

БОЗОРБОЙ ИБРАГИМОВ,
ЗИЁДЖОН ЭСОНОВ

***ФАРҒОНА
ҲУНАРМАНДЧИЛИК
МАКТАБИ***

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ УМУМИЙ
ТАРИХ КАФЕДРАСИ

БОЗОРБОЙ ИБРАГИМОВ,
ЗИЁДЖОН ЭСОНОВ

ФАРҒОНА ҲУНАРМАНДЧИЛИК
МАКТАБИ

Илмий-оммабоп рисола

Тошкент-2010 йил

Ушбу илмий- оммабоп рисола ватанимиз тарихининг муҳим бир тармоғи ҳунармандчилик ва унинг ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрнини ўрганишга бағишланган бўлиб унда асосан Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликни шаклланиши, равнақи ва аҳамияти масалалари тадқиқ қилинган.

Рисола талабалар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари талабалари, ушбу муаммо билан мустақил шуғулланувчи китобхонларга мўлжалланган бўлиб Қўқон ДПИ илмий Кенгаши томонидан нашр қилишга тавсия этилган.

**Мухаррир : М.Аминова, фалсафа фанлари
номзоди, доцент.**

**Такризчилар : Қ.Ақбаров, тарих фанлари номзоди.
И.Каримов педагогика фанлари
номзоди, доцент.**

КИРИШ СЎЗИ

Марказий Осиёнинг қадимий маданий ўчоқларидан бири бўлган Фарғона водийси ҳамиша йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб келган. Азалдан водийнинг катта-кичик шаҳар ва қишлоқларида хилма-хил ҳунармандчилик турлари ривож топиб келган. Чунончи, кўплаб ҳунармандчилик турлари каторида бу ерда кулолчилик, металл ва ёғочдан буюмлар тайёрлаш ва уларга нақш бериш усуллари, хилма-хил мато тўқиш ҳунармандчилиги, кўнчилик ва ҳунармандчиликнинг нодир тармоғи қоғозгарлик юксак даражада ривож топган. Дарҳақиқат, водий ўзининг юқори сифатли ва жозибадор ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бутун дунёга машҳур бўлган. Ҳунармандчилик мазкур минътақадаги ўтроқ ва яримўтроқ аҳоли ҳўжалик тармоқларини ривожланиши, водийда икки хил укладли ҳўжалик йўналишини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда умумводий ички иқтисодиётини шаклланишида муҳим ўрин тутган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда тайёрлаган арзон фабрика маҳсулотларининг ўлкамизга кириб келиши натижасида тармоқнинг бир қанча муҳим сохалари таназзулга юз тутишига олиб келди. Лекин айрим сохалар шу даврда ҳам ўзининг водий иқтисодиётидаги муҳим ўрнини сақлаб қола олди. Бугунги долзарб масалалардан бири Фарғона водийси ҳунармандчилик мактабининг аввалги салоҳиятини қайта тиклаш, энг муҳим анъаналарини қайта

жонлантириб, улар негизда ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш, соҳа тарихини ўрганишдан иборатдир. Бугунги кунда ватанимиз тарихи холисона ўрганилаётган даврда мамлакатимиз ҳар бир гўшасининг чуқур ўрганилган тарихини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Бу ўринда хунармандчилик тарихининг тадқиқ этилиши водийнинг турли марказларида маълум хунар турлари қандай асосда вужудга келган, ривож топган, бу жойларда қандай машхур хунармандлар фаолият юритган ва маҳсулот тайёрлашда ўзига хос усуллари ишлаб чиққан, водий хунармандчилиги мактаби хусусиятлари, тайёрланган маҳсулот турлари ҳамда бу буюмларнинг аҳоли маиший турмушидаги ўрни, хунармандчилик қандай сабабларга кўра таназзулга учраш тарихини ўрганиш юртимиз тарихини янада чуқурроқ ўрганилишини таъминлайди. Айни пайтда тарих билан қизиқаётган ёшларни ушбу қимматли ўлкашунослик материаллари билан таништиради, улар дунёқарашини кенгайтиради, тарихга меҳрини уйғотади, энг асосийси, касб-хунар ўрганишга уларда қизиқишни ўстиради. Сўнгги йилларда республикада жадал ривожланаётган коллежларда халқ хунармандчилигини ривожлантиришга, турли хунарларни ёшлар томонидан эгалланишига алоҳида аҳамият берилаётганлигини ҳисобга олсак, бу рисола улар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз. Уларни хунар сирларини эгаллаб, аجدодлари

эришган тажриба ва малака асосида жисмонан ва рухан баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлайди. Ушбу қўлланма ана шу истак ва талаб ўлароқ юзага келди. Қўлланмани тайёрлашда архив материалларидан, тарихий манбалардан, илмий рисола ва мақолалардан, водий шаҳарларидаги музей фондлари материалларидан, бу мавзуга оид даврий матбуот материалларидан, хунармандлардан ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланилди.

I. ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА ЭҲТИЁЖНИНГ ЎСИШИ

Хунармандлик – ҳар хил оддий меҳнат куруллари ёрдамида хом ашёдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шундай маҳсулотлар тайёрланадиган касбларнинг умумий номидир. Бу ишлаб чиқариш тури йирик саноат ишлаб чиқариши вужудга келишига қадар кенг тарқалган бўлиб, унинг айрим соҳалари кейинги даврларда ҳам сақланган. Хусусан, тармоқ ҳозир ҳам кам ривожланган мамлакатларнинг халқ хўжалигида муҳим ўрин эгаллайди.

Хунармандчилик инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти билан вужудга келиб, кишилиқ жамияти ривожини оқибатида аста-секин деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиққан, турли ижтимоий формациялар доирасида техника ривожини билан

алоқадор ҳолда такомиллаша борган, турли ихтисосликлар (кулоллик, дурадгорлик, темирчилик, мисгарлик, бинокорлик, тоштарошлик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, тикувчилик, тўқувчилик, заргарлик, дегрезлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик)га ажрала борган. Жамият тараққиёт босқичлари, меҳнат тақсимооти билан алоқадор ҳолда ҳунармандчиликнинг: 1.уй ҳунармандчилиги; 2.буюртма билан маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик; 3.бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган ҳунармандчилик турлари шаклланган эди; 1

Турмуш кечириш учун табиий қулай шароитлар мавжуд бўлган Фарғонат водийси шаҳар ва қишлоқларида азалдан турли ҳунармандчилик соҳалари ҳам ривожланиб борди. Натижада ҳунармандчилик маҳсулотлари бўлган маиший турмуш буюмларини тайёрлаш, яъни кийим-кечаклар, зеби-зийнатлар ишлаб чиқариш доимий равишда кенгайиб борди. Шаҳар ҳунармандлари маҳсулотни бозор учун ишлаб чиқарсалар қишлоқ ҳунармандлари дастлаб ўз эҳтиёж учун буюмлар тайёрлаганлар.

Тарихий маълумотлар водийнинг йирик шаҳарларида ҳунармандчилик ривож топганлиги тўғрисида маълумот беради. Чунончи, Х.Бобобековнинг “Қўқон тарихи” номли китобининг “Қўқон ҳунармандчилиги” деб номланувчи бобида В.П.Наливкин маълумотларига асосланган ҳолда ёзишича Қўқон шаҳри аҳолисининг салмоқли қисми ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Масалан,

уларнинг даромадлари ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади, бир кунда темирчи 20 тийиндан 40 тийингача, бўёкчи – 40 тийиндан 60 тийингача, тўқувчи 15 тийиндан 30 тийингача, чармдўз 40 тийиндан 70 тийингача, дурадгор ва сувоқчи 50 тийиндан 1 сўмгача соф даромад олган. Устанинг ҳар кунлик даромади 2 сўмдан 4 сўмгача бўлган.2

Шаҳарда ҳунармандчиликнинг муайян бир тури билан шуғулланувчи маҳаллалар бўлиб, шу туфайли уларнинг номи ҳам бу ердаги кишиларнинг касб-корини ифодалаган. Масалан, ипакчилар – пиллакашлик маҳалласида, пахта титувчилар – пахтакаш маҳалласида, газлама тўқувчилар – хосбафон маҳалласида, заргарлар – заргарон маҳалласида, сартарошлар – сангбурон маҳалласида, қалқон ясовчилар – санжарон маҳалласида истиқомат қилганлар. 3

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки бу касби-корликлар кейинги даврларда ҳам доимо ривожланиб борди. XX асрнинг иккинчи ярмида водийдаги истеъдодли ҳунармандлар ижодий ташкилотларга бирлаша бордилар. Масалан, амалий безак санъатини ривожлантириш мақсадида 1978 йилда Қўқонда ёғоч ўймакорлари мактаб-устахонаси ташкил этилди. 4

Бу даврда Фарғона водийсининг кишлоқларида ҳам ҳунармандлари сони кўпайиб, касб-ҳунарлар кенгайиб борган, аҳоли ўртасида касбга қизиқиш ўсиб борди. Масалан, 1883 йилда водий кишлоқларидаги ҳунармандлар сони 6067 нафарни ташкил этган.

1) Ҳунармандчиликнинг ўсиб борганлигини Қўқон уезди қишлоқларига тегишли маълумотлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Чунончи, 1897 йилда 3124 ўрта ва кичик устахоналар мавжуд бўлиб, ишчилари сони 5586 тани ташкил этиб, уларнинг йиллик маҳсулоти 820 минг сўмни ташкил этган. 1913 йилга келиб эса устахоналар сони 4521 га, ишчилар сони эса 6833 нафарга, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот 1 миллион 957 минг 785 сўмга кўпайди.5

Водийдаги қишлоқ ҳунармандлари айниқса деҳқончилик учун зарур бўлган маҳсулотларни кўплаб тайёрлар эдилар. Масалан, улар 1927 йил ўрталаригача жами бўлиб 8324 та кетмон, 14.088 та омов тайёрлаб берганлар.6

Бу ерда муайян ҳунармандчилик турлари ривож топган йирик қишлоқ ҳунармандчилик марказлари ҳам вужудга кела бошлаган эди. Жумладан, Қўқон яқинидаги Қўштегирмон қишлоғида ҳунармандчиликнинг бир неча турлари ривожланган бўлиб, усталар алоҳида маҳаллаларда тўпланган ва шу ернинг ўзида маҳсулот тайёрлаганлар. Ҳунарманд усталар сулоласи қишлоқда қанчалик кенг тарқалганини кўрсатиш учун баъзи тармоқнинг таниқли усталари номларини келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Яъни темирчи маҳалласида яшаган уста Обид, уста Шокаримбува, уста Масаид, уста Шомирза, уста Шокирбой, уста Мадумар, уста Ҳакимжон, уста Мустафакул, уста Вали, уста Одил, уста Раҳимбой, уста Йўлдош, уста Тиловолди, уста

Турсунали, уста Йигитали, уста Усмон, уста Ҳамидулла, уста Рустам, уста Зайлобиддин, уста Раҳматулла, уста Меҳмонали, уста Маҳамматжон, уста Муҳаммаджон, уста Иброҳимжон бу хунарни ўз оталаридан мерос сифатида ёшликдан эгаллаб, ривожлантириб келганлар. Улар кетмон, ўроқ, теша, болта, ранда ясаш билан шуғулланганлар.⁷

Йиқчи маҳалласида яшаб ижод қилган уста Мирзапайзбува, Мирзакаримбува, Абдукаримбува, Эргашали, уста Жалол, Мулла Жалол, Ҳомид йиқчи, уста Миртожи, уста Маҳкамбой, уста Отахон, уста Турдали, уста Бурхонбува, уста Жамолдин, уста Мирзааҳмад, Абдурасул йиқчилар чарх, сумак, моки, бешик, ўқлоғ, арава каби ёғоч буюмлар ясар эдилар.

Бўзчи маҳалласида Халилбува, уста Ботир, уста Ҳотам, уста Ортиқ, уста Тешабой, уста Йўлдош, Абдураим Қамбаров, уста Мирқосим, уста Юнус хожи, уста Ҳамидбува, пишиқ ва юмшоқ банорас, бекасам, бўз, алак тўқишнинг машҳур усталари эдилар. Уларнинг энг машҳури уста Юнус хожи бўлиб, унинг 7 та дўконида то 1959 йилларгача маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги маълум.

Тўғинчи маҳалласида ҳам номи атрофга тарқалган уста хунаремандлар истиқомат қилганлар. Бу даврда Қўкон араваларига тўғин эгиб, ғилдираклар ясовчи усталардан уста Сарикбой, уста Файзулла, уста Тожибой, уста Асқар, уста Нишонбой, аравасоз уста Содикбува, унинг ўғли уста Хайитбойлар номи атрофга ёйилган эди. Улар ҳафтада бир кун 40 та тўғон кўмишар

ва 5 кун тўғин эгишади. Ҳафтанинг пайшанба куни тайёр тўғинларни Қўқоннинг “Ҳода бозори”га олиб бориб сотар эдилар.

Этикдўз маҳалласида уста Аҳмадали, уста Раҳимча, уста Толибжон, уста Ҳакимжонбува ва бошқалар этик, маҳси, кавуш тикар эдилар.

Қишлоқда бўёкчилар сулоласини Фузайлбува, Акбарбува, Мулла Собирлар давом эттирганлар.

Водийнинг бошқа шундай хунармандчилик марказларидан бири Чуст бўлиб, у ўзининг дўпписи ва пичоқлари билан машхурдир. Чуст дўпписи асрлар оша ўз шакли ва жозибадорлигини йўқотмай келади. Уни ҳар бир ўзбек, ҳар бир меҳмон жон деб ўз бошига қўндиришни ҳавас қилади. Дўппининг қалампир шаклли безаклари тўрт томонга қора матога оқ ипак асосида нозик дид билан мустаҳкам қилиб тикилган.

Чуст пичоқлари ҳам халқ томонидан доимо ҳавас билан тақиб юрилади. Одатда пичоқ юмшоқ пўлатдан чархланиб, сув берилиб ўткир ва кескир ҳолатга келтирилади. Пичоқ ўз бичими, ўлчами билан фаркланиб, унда устанинг махсус тамғаси босилган бўлиши, ясалган йили кўрсатилган бўлиши шарт эди.

Қадимдан Фарғонада кулолчилик буюмлари билан бирга металл идишлар ҳам турмушда кенг фойдаланилган. Чунончи, аҳоли чойни ҳар хил ҳажмдаги мис чой идишларга дамлаб истеъмол қилар эдилар. Лекин кейинги даврларда турмушга газ ва электр кириб келиши, фабрикада тайёрланган янги металл идишлардан кенг фойдаланила бошланиши

билан мис идишларга талаб камайди. Лекин мис чойдишларда қайнатилган сувдан дамланган чой бутунлай ўзгача мазага эга эканлигини қарияларимиз яхши эслайдилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки бу даврда қишлоқларда хунармандчиликнинг бирмунча мураккаб соҳалари ҳам ривож топиб борган. Жумладан, Р.Н.Набиевнинг “Қўқон хонлиги тарихидан” (Т.1973 й) асарида кўрсатилишича, Боғистон, Чайкет қишлоқларида ўқ-дори яшаш устахоналари мавжуд бўлган. Уларда ишлаётган усталар ҳар куни 2 тангадан, ёлланма ишчи ва мардикорларга кунига бир тангадан иш ҳақи тўлаб борилган.

Водий доимо тўқимачилик хунармандчилигини ривожлантириш учун бой хом-ашёга эга бўлган. Буни ҳисобга олган чор маъмурлари Қўқон хонлигининг охирги йилларида чоризм армиясини таъминлаш мақсадида Бешариқ қишлоғида катта тўқимачилик устахонаси ташкил этганлар. Мазкур даврда Бешариқда бўз маҳсулотлари тайёрловчи 500 тага яқин тўқимачилик дастгоҳлари ишлаб турган.⁸

Қўқон шахрининг Мўйи Муборак дарвозаси томонидаги Чарку қишлоғида эса қоғоз ишлаб чиқарувчи ойжувоз қурилган бўлиб, бу пайтга келиб у Ўрта Осиёдаги шундай энг йирик “корхона” ҳисобланар эди. Қўқон қоғози ўша даврда кенг тарқалган ва бозорларда сотилган.⁹

Фарғона водийсининг айрим қишлоқларида темир рудаси қазилар йўлга қўйилди. Боғистон, Сазак, Накай

сингари тоғли қишлоқларнинг аҳолиси темир рудасини кичик-кичик қозонларда эритиб ўша жойнинг ўзида ҳар бир пудини 9 тангадан сотар эдилар. Лекин бу ҳунар маҳсулотларига эҳтиёжнинг пастлиги учун уни ишлаб чиқариш авж олмаган.¹⁰

Юқоридаги маълумотлардан маълум бўладики водийда ҳунармандчилик доимо ривож топиб келган. Лекин шунга қарамай кейинги даврларда чор Россиясидан арзон саноат буюмларини кириб келиши, собиқ шўролар даврида ҳунармандларга синфий ёндашув оқибатида тармоқнинг кўплаб соҳалари асоссиз равишда тугатилган ёки ишлаб чиқариш қисқарган. Фақатгина Мустақиллик йилларида тармоқ тараққиётига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, мустақиллик йилларида касб-ҳунарни кенгайтириш, мазмунан бойитиш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари кўриб келинмоқда. Айниқса, халқ ҳунармандчилигига бағишлаб 1997 йилнинг 31 мартида республика Президенти томонидан қабул қилинган “Халқ бадийи ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ижроси бўйича кенг қўламли фаолият амалга оширилмоқда.

II. КУЛОЛЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

Кулолчилик ҳунармандчилиги - Фарғона водийсидаги энг қадимий ҳунарлардан бўлиб саналади. Дарҳақиқат бу ҳақда археологик топилмалар ашъвий далил сифатида

гувоҳлик беради. Жумладан, Катта Фарғона каналини казиш пайтида милоддан аввалги I-мингчи йилликка оид хумларнинг қолдиқлари, V – VI асрларга оид Қува шаҳридан узунлиги 1 м. 20 см. , диаметри 26 см. бўлган қувурлар топилган. Бу қувурлар 4 км. узунликда кўмилган ва бундан сув ўтказилганлиги аниқланган. 1

XVIII-XIX асрларда аҳолининг катта қисми кулолчилик маҳсулотларидан кенг фойдаланганлиги бу соҳани янада ривожланишига туртки бўлган.

Фарғона водийсининг йирик кулолчилик маркази бўлган Риштон қишлоғида ясалган юқори сифатли буюмлар бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлиб кетган эди. Жумладан, 1899 йили Парижда иш бошлаган бутунжаҳон кўргазмаси учун Ўрта Осиёдан Риштон буюмларини танлаб олиниши бу фикримизни тасдиқлайди. Тадқиқотчи Е. Головин бу ерда усталарнинг ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш эвазига, буюмларни ҳатто Европа бозорига ҳам чиқариш мумкинлигини ҳақида ёзган эди. 2

Риштон кулоллари авлодларининг бошланиши XVI асрларга бориб тақалади. Ҳунармандлар Баҳовуддин Нақшбандни ўзларининг пири ва ҳунармандчилиқни бу ерда бошланишига сабабчи деб билар эдилар. Асрлар давомида Риштонда ҳунарини ривожланиши бу ерда бирқанча моҳир кулолларни етиштирди. Чунончи, Риштон кулолларидан уста Абдулло, уста Бобо Ниёзматовларнинг асарлари машҳур ва юқори баҳоланган. Усто Узоқбой Шерматов, усто Мусо Исмоиловлар тайёрлаган маҳсулотлар эса ўзининг ранги, жозибадорлиги,

нақшларнинг нозиклиги билан ажралиб турган. Ўлмас Ортиқбоев, Абдулла Тўхтаев, Ҳакимбой Богаев, Бойсалим кўзагар, Матёқуб Ғозиев, Мирраим Ҳикматуллаевлар ясаган коса, пиёла ва бошқа буюмлар аҳоли томонидан катта қизиқиш билан олинар эди.

Кулочилиқ Қўқон хонлигининг сўнги йилларида ҳам ривожланишда давом этиб, йилда бир марта давлат хазинасига салмақли миқдорда пул билан солиқ тўлаб турган. Шунингдек, XIV асрда Бухорода яшан Саид Амир Кулол бу ердаги кулолларнинг пири устози деб саналиб бу авлиёнинг “авлодларига” назр кўринишида йиғим ҳам берганлар.

XX аср бошларида ҳам кулолчилик Риштонда ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Лекин собиқ шўролар даврида мажбуран турли хунармандчилик уюшмаларига бирлаштирила бошланган. Хусусан, 1927 йилда Риштонда биринчи кулолчилик артели тузилдики, кейинчалик барча усталар бу артелга бирлашганлар. Бу ердаги тўртта артелларнинг “Янги ҳаёт” деб аталган ва унда 100 дан ортиқ усталар фаолият юритганлар. Бу жамиятларда асосан маҳсулотни миқдори ҳисобга олиниб, унинг сифати эътиборга олинмас эди. Натижада буюмларнинг юксак бадий жиҳатлари ўз аҳамиятини йўқота бошлаган. Шунга қарамай, катта анъана мактабига таянган машҳур кулоллар ўзларининг сулолавий хунарларини давом эттирмоқда эдилар.

XX аср ўрталарида Риштонда тажрибали усталардан Й.Ҳамроев, Матёқуб

Ғозиев, Б. Мирсалимов, Тўхтабачча, Г. Юнусовлар фаолият юритганлар.

Сўнгги йилларда ҳам Риштонда таниқли кулоллар азалий анъаналарни давом эттирмоқдалар. Шундай усталардан бири Комилжон Ибрагимов бўлиб, у 7-чи авлод кулол товоқчи ҳисобланган. У хунарни отаси уста Додо дан (1898-1951 й.) ўз навбатида Додо эса уста Мадаминдан яъни уста Абдуллонинг шогирдидан ўрганган. К. Ибрагимов 60 йил мобайнида керамика заводида ишлаган. У Риштондаги Соҳиби-Ҳидоя Рошидоний мақбарасини қайта тиклашда асосий рол ўйнади. 1996 йилда ЮНЕСКО нинг “Устоз-шогирд” степендияти бўлди, 1998 йилда эас биринчилардан бўлиб “Ўзбекистон халқ рассоми” унвонига сазовар бўлди. 2000 йилда унинг уй музейи ташкил этилди. Моҳир уста томонидан юксак сифатли буюмлар Ўзбекистон саъати музейида, Бадий кўргазмалар дирекциясида, Ўзбекистон рассомлар академиясида, Фарғона ўлкашунослик музейида, Москвадаги Шарқ халқлари саъати музейида, Санкт-Петербургдаги этнография музейида ва Давлат Эрмитажи музейида сақланмоқда.

Водийда ном қозонган яна бир риштонлик машҳур кулол ва косаган Мелибой Бобониёзматовдир. 1837 йилда туғилган Мелибой отаси Бобониёзматдан ўрганди. У Риштон услубида ишланадиган сопол идишларнинг барча турларини яшаш, нақшлаш, пишириш технологиясини яхши эгаллаб олди. Янги-янги ва хилма-хил бўёқларда ажойиб идишлар ясагани учун кулоллар унга “чапдаст уста” деб ном қўйганлар. У кулолчилик санъатининг

марказларидан бири Ғиждувонда янги тарқалган “ таги сиёҳ” услубини мукаммал ўрганиб олди,шу услубдаги идишларни ясашда Риштон кулоллари орасида биринчиликни олган эди. Бобониёзматовнинг “ таги сиёҳ” технологияси асосида тайёрлан идишларидан намуналар Тонкентдаги Ўзбекистон халқлари музейи фондида сақлаб келинмоқда.3

Водийдаги яна бир анча ривожланган кулолчилик маркази Ғурумсаройдир. Бу ерда кулолчиликни вужудга келиши уста Кўки номи билан боғлиқ. Бизнингча у водийга хос кўк рангдан кўп фойдалангани учун унга шу ном берилган бўлса керак.

Биздаги маълумотларга кўра Уста Кўкидан кулолчиликни Усмондиёр ва Отажон товоқчилар, Усмондиёрдан ўғли Жўра Кенжа, қайноғаси уста Узоқбой, божаси уста Болтабой, амакиваччаси Сатим товоқчи, ўғли уста Ғофурлар ўрганган. Сатим товоқчининг лаганлари Италиядаги кўрғазмаларда намоёниш этилган бу устанинг донғи жаҳон бўйлаб ёйилган эди. Унинг лаганлари ўзининг ажойиб гўзаллиги,бетакрор ярқироклиги ва ўта нозик ранги билан ўзгалар маҳсулотидан ажралиб турар эди.Сатим товоқчи бир йилда аъло нав,юқори бадийий асарлардан 30 тага етказиб тайёрлай олар эди. Бундай асарлар фақат бадийий фонд салонлари учун юқори баҳода сотиб олинар эди

Шунингдек, Усмондиёрдан амакиваччаси Тўхта товоқчи, ундан ўғли Махмуд товоқчи, Раҳим товоқчининг бошқа ўғли Одилжон хунарни эгаллаган.

Уста Кўкини бошқа шогирди Отажондан эса жияни Туроб товоқчи, укаси уста Ҳаким, ундан ўғли уста Хаитбой, Туроб товоқчи ўғли уста Ақром, ўғли уста Мақсуд, ундан ўғли Одилжон, шогирди Ваҳобжон ўрганган. Бу шажарани 2003 йилда ғурумсаройлик уста Ваҳобжон Буванаев тузган.

Ғурумсаройда кулолчилик XX асрда ҳам ривожлинишда давом этди. Айниқса 1970-80 йилларга келганда бу ерда М.Раҳимов, М.Туропов, Х.Ҳакимов, Х.Сотимовлар сулолаларини фаолият юритиши бу мактаб довуғини бутун водийга танитган. Ҳатто Ғурумсаройлик машхур Сотим товоқчининг набираси Туропов Мақсудали 1974 йилда ЮНЕСКО эътирофига кўра Маданият Вазирлиги томонидан фахрий ёрлик ва “Усто” гувоҳномасини олган.

Кулолчилик хунармандчилиги Риштон ва Наманган шаҳарлари билан биргаликда Фарғона областининг Қўқон, Ўш, Марғилонда ҳам ривожланган эди. Хусусан, Чуқур-Кўчин, волостида Наманганлик Далибой Ёкубовга тегишли дўкон бўлиб, бир дастгоҳда йилига 2000 тагача, 75 сўмлик буюмлар тайёрланган. Бошқа Сардоба волостидаги Наманганлик М. Солибоевга тегишли устахонада 100 сўмлик, Амирбоев устахонасида 100 сўмлик, Отабой Қаймуротовбоев устахонасида 50 сўмлик буюмлар ясалган. Бундай йирик устахонлардан бири Наманганлик Устабой Юсуповга тегишли бўлиб, унинг устахонасида йилига 8000та, буюм ясалган. Даромади 400 сўмга тенг бўлган. Юқорида санаб ўттилган устакорлар

дўконларида ясалган косалар донаси 3 тийиндан сотилган бўлса устайбой Юсупов дўконидида ясалган буюмлар счифатли бўлиб то бир сўмгача сотилган.4 Бу устахоналарда шунингдек хум ва бошқа рўзгор буюмлари ҳам ясалган. Қадимдан водийда кулолчилик ривожланган масканларидан бири Чуст қишлоғи бўлиб, бу ердан кўплаб қадимий кулолчилик буюмлари қолдиқлари топилган. Одатда фанда бу топилмаларни Чуст маданияти деб аталади.5

Бу даврдаги чуствликларнинг сопол идишлари силлик лойдан пиширилиб, устига қизил кесакдан сидирға бўёқ суртилган, баъзиларини сидирға сайқал бериб ялтиратилган, баъзиларини эса қора бўёқ билан зийнатланган.

Кулолчилик хунари бир неча соҳаларга бўлинган. Масалан, Фарғона усталари косагар, кўзагар, лагансоз, тоғорасоз, хурмачи, хумчи касбларига бўлинганлар. Сопол идишларнинг ўзи эса сирланмаган, сирланган ва чинни буюмларга бўлинган. Сирланмаган идишларга уй-рўзгор буюмлари хум, кўзача, обдаста, хумча, тандир кирган. Улар кўлда тасма ҳолидаги лой бўлақларини бирлаштириб ясалган. Кичик ёғоч асбоб билан бирлашган жойлар силлиқланган.

XX аср бошида Риштонда 80 та устахона бўлиб, бу дўконларда уста асосан ўзининг оила аъзолари ва 1-2 тадан шогирди билан меҳнат қилганлар. Буюм тайёрлаш мавсумий бўлиб, шогирдларга маҳсулот қийматидан келиб чиқиб ҳақ тўланган. 6-7 ой давом этадиган мавсумда бир устахонада 1500-1700 тагача буюм тайёрланган. Бунда ҳар бир уста

маълум маҳсулот турини тайёрлашга ихтисослашган.. Ҳатто бир турдаги буюмлар ҳам ўзаро фарқ қилган, турли шакллар ишлаб чилаб чиқилган ва буюм яшаш жараёни такомиллашиб борган. Хар бир устанинг маҳсулотига махсус белги қўйилган.

Риштода турли хил идишлар ясалган бўлиб , коса ва кўза энг кўп ясаладиган буюмлар қаторига кирган .

Улар шакли, ранги ,сири билан ажралиб турган. Риштонда бу маҳсулотларнинг бошқа кулолчилик мактабларига хос бўлмаган турлари ҳам тайёрланган. Масалан, филиталик деб номланувчи кўза, қорин қисми ясси кўринишдаги юмалоқ, тик жумракли, кўчқорбошли тусдаги шаклдор кўза, геометрик нақшлари кўпнурли кўринишдаги обдаста, мовий деб номланувчи бир тусли кўза, қиска бўйинли офтоба, куш ва туя шаклида ишланган обдаста, ўрдак обдасталар шулар жумласидандир. Кўзагарлар соз тупроқдан лойини бироз қаттиқроқ ишлов берилган ҳолда маҳсулот тайёлаганлар. Буюм учун қизил тусли тупроқ энг яхши хом-ашё бўлиб, Риштоннинг ўзидан олинган Буюмга нақш берилмаган. Уларнинг тайёрлаган идишларида сув, буғдой, ичимликлар қуйиш ва сақлаш мумкин эди. Бундай идишда сақланган суюқлик ўз ҳиди, мазаси, ранги ва таркибини йўқотмас эди. Коса яшашда шаклни лойдан устанинг ўзи ёки унинг шогирди ясар эди. Буюм шакли устахонанинг ўзида тайёрланар эди. Риштонда ҳам катта буюмлардан хум ҳам тайёрланган бўлиб, XIX асрда яшаган уста Ўлмас Ортиқов хум яшашда машхур бўлган.

Ғурумсарой мактаби маҳсулотлари ўзнинг ясашиши, ранги, гули, сирланиши ва бироз қалинлиги билан бошқа мактаб маҳсулотларидан фарқ қилган. Бу ерда ҳар бир устанинг ўз уйида дўкони бўлиб, унда бутун оила аъзолари билан ишлаган. Ҳар бир устахонада алоҳида ишлаб чиқариш воситалари бўлган. Масалан машҳур уста Сатим товоқчининг устахонасида оғир тош майдалагич бўлиб, у билан оқ тошлар ун ҳолатига келтирилиб унга мис ва темир кукунлари аралаштирилиб лой ҳосил этиб буюм шакли ясалган. Сўнг идиш ишқор билан сирланган. Бундай услубда маҳсулот тайёрлаш меъёрлари муддати ўта нозик бўлиб юқори дидни талаб этар эди. Ҳунар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб борган. Қишлоқда кўпроқ товоқчилик билан шуғулланилган. Буюм яшаш учун Ғурумсарой кулоллари селдан сўнг вужудга келадиган тупроқни яхши хом-ашё яъни ширали тупроқ деб ҳисоблаганлар. Маълумки, ғурумсаройлик кулоллар водийда ўзларининг йирик ҳажмли хумлари билан танилганлар. Одатда хумлар 50 л.дан-200 л.гача сув сиғадиган ҳажмда ясалган. Кўпинча хумлар йўл бўйига ерга кўмилиб, атрофи чим билан ёпиб чиқилган ва дарё суви билан тўлдирилган. Сув бу ерда музлаб тоза ичимлик сувига айланган.

Бу ер нақшлардаги гул нусхалари ўсимликлардан олинган бўлиб, кўпроқ йирик ҳажмли гул нусхалари бу ер кулолчилигига хос бўлган. Бу ерда нақшларнинг “Ларзана”, “Туякўз”, “Аноргул”, “Баликнуса”, “Илонйўлли” нусхаларидан фойдаланилган.

Одатда Ғурумсаройда қуёшнинг қиздириш ҳароратига мослаб, катта ва кичик, қалин ва юпка идишлар ясалар эди. Қуёш етарли исимаган баҳор фаслида юпка ва кичик товоқлар ясалар эди. Кейинчалик замонавий кулолчилик ўчоғи яратилиб, маҳсулотни қуриштириш ишлари анча осонлашиб ва тезлашиб қолган эди. Ғурумсаройда буюм яшаш, нақш, тепага сир бериш учун ишқор Тўрақўрғондан, оқ тош Чоркесардан олиб келинган.

Кулолчиликда буюм тайёрлашнинг масъулиятли босқичи бу буюмга нақш ва сир бериш жараёнидир. Хусусан, риштонлик усталар буюмларини кўпроқ ложувари сиридан кенг фойдаланиб, кўк-ҳаворанг, яшил-ҳаворанг, жигарранг, ёки жигарранг - бирафша ранг ранглари билан нақшлаганлар. Нақшлар кўпинча ўсимликлардан олинган ислимий кўринишда, турли-туман бўлган. Оддий буюмлар рангсиз ишқор билан сирланса, нафис ясалган буюмлар қалай-қўрғошин тусли қалайи ёки қўрғошин билан сирланган. Водийда кулоллар кўк, сариқ, қизил, қора, зангори, оқ ва бошқа рангларга ўрик елими, ун, қум, темир кукуни аралаштириб, ҳам идишларни рангларга бўяганлар. Идишларга айрим усталар қолип ёрдамида ҳам нақш туширганлар. Одатда қалами услубида нақшланган кўк ёки жигарранг тус берилган буюмларга ошқовоқ, сабзи, лавлаги каби сабзавотлардан ясалган қолиплар орқали нақшланган. Е.Н. Пещеревани эслашча 1950 йилларга келганда Риштонда бундай нақшли буюмлар яшашни фақат уста Абдул Қосим Болтабой давом эттираётган эди.

Ўсимликлардан эса гўзанақ, тиканақ, куруқ кўсаклари ҳам шу мақсадда ишлатилган.

Риштон усталари учун товоқнинг маказий айланасига ислимий ва геометрик нақшларни, трапециясимон шаклдаги тўғри бурчакларни, учбурчакли шаклларни жойлаштриш хос бўлган. Нақшлардан ислимий нақшлар, айниқса шарқ удумига хос бўлган аноргул нақши кўп учрайди.

Умуман Риштон кулолчилик буюмларининг ўзига хослиги, тугалланганлиги, пухта ўйланганлиги, танланган ранг композицияси, кўп турдаги ислимий ва геометрик нақшлари билан кишини ўзига жалб этади.

Умуман олган кулолчилик аслида эркаклар каби ҳисоблансада, Риштон аёллари ҳам кулолчилик ишларида қатнашганлар. Масалан, уста Бой Ниёзматнинг аёли буюмга расм чизишда машҳур бўлиб, ҳатто бошқа усталарнинг буюмларига ҳам расмлар чизиб берар эди.

Кулолчилик буюмлари Риштонда маҳсулотларини кўтарасига сотиб олувчи савдогарлар орқали сотганлар. Шунингдек араваси бор кишилар ҳам сопол идишларни кулоллардан олиб, маҳсулотни қишлоқларга олиб бориб сотар эдилар.

Кулолчиликнинг нодир соҳаси бу чинни буюмлар тайёрлаш тармоғи бўлиб ҳисобланади. Одатда бўёқ бериб бўйланган сопол буюмга рангсиз сир бериш чиннигарлик деб аталиб, бу хунар Риштонда XIX аср ўрталаридан пайдо бўлган дейишади. Тармоқни вужудга келиши ака-ука уста Жалил ва Қури Абдужалил номи билан боғлиқ. Бизгача етиб келган маълумотларга кўра уста

Жалил Қошғорға боради ва сирлаш, чинни лой тайёрлаш сирларини ўрганади. Айримлар эса уста Қури Абдужалил савдогарлик билан Машҳад ва Қашқарга бориб бу хунарни ўзлаштирган деган тахминни билдирадилар. Жумладан, чинни тайёрлаш жараёнини хитой услубига ўхшашлигини ҳисобга олиб, тадқиқотчи А.А. Гребенкин ҳам буюм яшаш усулини Шарқий Туркистон мактаби анъаналари билан боғлиқлигини таъкидлайди. Лекин риштонликлар чинни тайёрлаш хунарини шундай такомиллаштирдиларки, натижада XIX аср охирига келганда улар ўз чинни буюмлари билан бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлиб кетдилар.

Аммо айрим тадқиқодчилар буюм тайёрлаш технологияси маҳаллий илдизга эга эканлигини таъкидлайдилар. Фақат XIX аср охирида кўк нақшли хитой чиннисини қимматлашуви, оқибатида бу маҳсулотга талаб кучайди. Натижада хитой маҳсулотларига ўхшатиб ўз буюмларини тайёрлаётган маҳаллий усталар идишларга “чинни” буюмларга қўйиладиган белгилар қўйган ҳолда ясай бошладилар. Бу эса ” чинни “ деб аталган буюмларни ўлкада қўпайишига олиб келган.

Лекин бу тармоқ рус чинни буюмлари билан рақобатлашуви натижасида, тармоқ ишлаб чиқариши бирмунча қисқарди.

Усталарнинг билдиришича, чинни яшаш учун 60 % гилбўтага 40 кварц (санг) ёки яна 10 % лой қорилиши керак бўлади.¹¹ Одатда риштонлик усталар ўтга чидамли оқ тупроқ тоғлиқ ҳудудлардан, Исфарадан ва Ангрен

воҳасидан олиб келинган, кварц (санг) ва ишқор эса қирғизлардан сотиб олинган.

Чиннигарлик водийда нафақат Риштонда балки бу ердаги бошқа маарказларда ҳам ривож топди. Хусусан, кўқонлик уста Бойбобо чиннисоз ҳам бу буюм турини ясаш билан водийда машҳур эди. Кулолчилик соҳасини яхши эгаллаб олган бу уста ясаган буюмлар шаклининг мутаносиблиги, чиннисининг аъло сифати билан ажралиб турар эди. Идишлар нақши нафис услубда бўлиб ингичка мўйқалам билан зангори бўёқда чизилган.

Таниқли чиннисоз Мусо Конибодомий ҳам у билан бирга ишлаган ва санъатини ўрганиб олганлиги маълум. Бойбобонинг ясаган буюмлари Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланмоқда. Чиннисоз уста 1876 йилда вафот этди. 6 Риштонинг осойишта ва кўркам кўчаларидан бири Чиннигорон бўлиб бу ерда жами 130 та кулолчилик устахоналари жойлашган эди. Шунинг учун бу кўчани чинникосачилар кўчаси деб номланган эди. Бу кўчада уста Муса Исмоилов ва бошқа кўплаб усталар яшаган эдилар.

III. ТЕМИРЧИЛИК, МИСГАРЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ҲУНАРЛАРИ

Темирчилик кўҳна ҳунар турларидан бири бўлиб, қадимдан уни халқ тилида чорҳунар деб аташган. Бу жихат мазкур ҳунар тури сертармоқлигидан дарак берган. Одатда темирчиларнинг пири Одам

алайҳиссаломдан бошланган пайғамбарларнинг ўн еттинчиси Довуд пайғамбар деб ҳисобланади. Ривоятларда унинг қўлларида темир гўёки ҳамир каби эгилиб-букилиб кетиши айтиб ўтилади.

Металл ишлашнинг муҳим соҳаси темирчиликнинг ҳўжалик учун аҳамияти катта бўлган. Чунки унда деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари учун кўплаб меҳнат қуроли ясалган. Бу даврда кенг тармоқли темирчилик меҳнат тақсимооти натижасида тор ихтисослашган эди. Масалан, улардан айримлари фақат кетмон, ўроқ ёки турли қайчиларни ясаш билан шуғулланганлар. Водийдаги энг йирик темирчилик марказлари Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган, Шаҳрихон, Чуст, Ашт, Қўштегирмон, Конибодом, Чодак, Чимён, Учкўрғон, Аравон, Қора-Су, Қўқонқишлоқ, Ўзген, Косонсой эди.¹ Металл ишлаш ва темирчилик бўйича водийда Ашт аҳолиси катта тажриба ортирган эди.

Умуман олганда, тайёрлайдиган маҳсулотларига қараб темирчи усталарни 3 гуруҳга бўлиш мумкин.²

Жумладан, эшик занжири ва ҳалқалари, от ва эшак тақалари, кавуш ва этик нағаллари, ҳар хил михлар, арава ғилдираги учун темир ҳалқалар, отлар учун узанги, дурадгорлар учун темир рандалар ва шунга ўхшаш буюмлар тайёрловчи усталар.

Иккинчи тоштарош усталар, деҳқонлар ва бинокорлар учун турли асбоблар, жумладан кетмон, ўроқ, болта, теша ясовчи усталар. Бу усталарнинг қўлида кетмон, капгир, теша, болта, пичоқ, ҳалқа, ўроқ, чопқи,

зулфин, олов курак каби темирчилик буюмлари ясавчи хунармандлар.

Учинчи гурухга пичок, қайчи, пакки, арра, оташкурак, қора чироқ, бигиз ва х.к. тайёрловчи хунармандлар кирган. Шунингдек, темирчиликнинг алоҳида яъни қуролсозлик соҳаси усталари милтиқ ва тўплар ясавчилар ҳам ажралиб турганганлар.

Одатда темирчи усталар ўз устахонасида асосан оила аъзолари ва шогирдлари иштирокида маҳсулот тайёрлаганлар. Агарда оилада устандан бошқа ишга яроқли одам бўлмаса, алоҳида битта шогирдни болғачи сифатида ишга ёллаб, унга 3-4 сўм ойлик тўлаган. Шогирд темирчиликда дам босиш ва кўмир солиш каби оддий ишлардан хунар ўрганишни бошлаб, аста-секин отга тақа қоқишгача бўлган мураккаб ишларни ҳам ўрганиб борарди. Шогирдлар темирчилик хунарини ўрганиш билан бирга устанинг уй ва деҳқончилик юмушларини ҳам бажаришарди. Хунарни ўрганиш муддати турлича ҳисобланарди. Шогирд уста кўлида камида 8-10 йил бўларди. Масалан, шогирд хунар ўрганишга келгандан сўнг орадан 4-5 йил ўтгач, ҳафтада бир марта устанинг рухсати билан айрим кичик ишлар билан шуғулланиб, ҳокандоз, оташкурак, теша, бигиз ва шунга ўхшаш буюмлар ясаб, бозорга олиб чиқиб сотарди. Шогирд ҳафтанинг жума кунлари ота-онасиникига бориб турарди, хунарни ўрганиб бўлгандан сўнг устанинг розилигини олиш учун боланинг отаси катта зиёфат берарди, устага бош-оёқ сарпо қиларди. Зиёфат пайтида уста ва ҳурматли

кишилар шогирднинг хунарни эгаллаб уста бўлганлигини эълон қилишиб, бундан буён уни дўкон очиб, мустақил ишлашига рози бўлишиб, унга муваффақият тилашар эди.

Одатда бир темирчи уста эрталабдан то кун ботгунга қадар 30 дона тақа ясай олган, бир ойда 9-10 пуд темир, 25 пуд кўмир, бир йилда эса 100-120 пуд темир ва 300 пуд кўмир миқдоридаги хом-ашёдан фойдаланган.² Кетмон ясовчи темирчи уста эса ўз шогирди билан 2 кунда 3 та кетмон ясарди, бир йилда эса ўрта ҳисобда 450 та кетмон тайёрларди.

Водийда деҳқончилик ривожланган бўлиб, кетмон маҳсулотига талаб катта эди. Масалан, XX аср бошида биргина Қўқонда 250-300 та кетмон ясовчи уста бўлган.³ Бу хунар тури ҳам авлоддан-авлодга ўтиб, устахоналар ўз салоҳиятига кўра йирик, ўртача ва кичик бўлган. Кичик устахоналарда оила аъзолари ишлаб, буюртмага кетмон ясаганлар. Йирик устахоналарда ёлланма ишчи кучидан фойдаланилган. Манбаларга кўра, қўқонлик Йўлдошбой дўқонида 10 киши ишлаган ва омоч тиши, ўроқ, дасткалла, узум қайчи каби буюмлар ҳам тайёрланган. Ясаладиган кетмонлар географик шароит ва иш турига кўра қалин, юпка, катта-кичик, елкадор, тиг қисми бурчакли, юмалоқ шаклларда ясалган. Ушбу хунар тури бўйича Қўқон яқинидаги Қўштегирмон қишлоғи йирик марказ сифатида ажралиб турган.

Шунингдек, бу даврда катта қишлоқлардаги темирчилар аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча

темир буюмларни ясашар ва синган асбобларни ҳам таъмирлаб беришарди. Қишлоқ устахоналарида деҳқонлар буюртмалари тайёр бўлгунча кўпинча темирчига ёрдам бериб: дам босиш, ўчоққа кўмир солиш, тақалашга олиб келинган отни ушлаб туриш, пичоқ ёки ўрокни чархлатгани олиб келинса, чархни тортиш каби ёрдамчи ишларни бажарардилар. Агар уста деҳқондан катта ишни буюртмага олса буюрмачи унга чой, нон, овқат ва турли мевалар олиб келар эди. Умуман бундай жойларда уста жамоа таъминотида бўлган. Бошқа қишлоқдан келиб, айрим асбобларни тузаттирадиган ёки баъзи нарсаларни буюртирган одамлар устага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, кўпинча дон билан ҳақ тўлаганлар. Пул билан ҳақ тўлаш кам учраган. Ҳаттоки темирчи усталар турли экинлар уруғлари билан ҳам таъминланган.

Агар уста бошқа қишлоқдан келиб темирчилик қилаётган бўлса, қишлоқ аҳолиси ҳосилдан *уста ҳақи* деб капсан ажратиб, унга келтириб берарди. Деҳқон ўз буюртмаларини тайёрлатиш учун устага кўмир ва ўтин ҳам олиб келган.

Темирчиликнинг водийдаги энг ривожланган тармоқларидан бири пичоқчиликдир. Пичоқ инсоннинг ярим ризқи ҳисобланади. Пичоққа кундалик турмушда эҳтиёж кўп бўлиб, эркакларнинг ажралмас қуролига айланган. Чуст пичоғи ўзига хос бўлиб, у тери ғилофда олиб юрилган. Пичоқни тақиб юриш миллий анъана даражасига кўтарилган. Чуст пичоғи металлининг қалинлиги, бичимининг ўзига хослиги, зангламаслиги

билан ажралиб турган. Пичоқ асосан тиг, соп, гулбанд қисмлардан иборат. Пичоқ яшаш технологияси кўп меҳнат талаб қиладиган жараён бўлиб, тайёр пичоқ бўлгунча 76 марта қўлдан-қўлга ўтган.

Одатда пичоқ, ханжар ва қилич каби тигли асбобларга ҳар хил суяклардан ясалган чиройли дасталар хилма-хил ўйма гуллар билан безатиларди. Асрлар давомида бутун Шарқ ва Ғарбга водийни машҳур қилган пичоқлар Чуст, Қорасув, Шаҳрихон, Ўратепада ясалиб, бу анъаналар замонамизгача сақланиб келмоқда. Сайёҳ А.Вамбери ҳам Чустда ясалган курулларга юқори баҳо беради. Бу ерга хом ашё Бурчмулладан – «хархун» (эшак қони) йўли билан келтирилган. 48 сандонда усталар 4-5 шогирди билан ишлаганлар. Бибиона мозори атрофида усталар сайили ўтказилган.

Металлга ишлов беришнинг муҳим тармоқларидан яна бири мисгарлик бўлиб, мисгарлар мисдан қумғон, товоқ, чўмич, қозон, кўза, баркаш, чойдиш, обдаста, самовар, чойнак, жом, шамдон, лаган, чилим, пақир ва миллий мусиқа асбоби ҳисобланган карнай сингари буюмларни ясашарди. XIX аср ўрталарида яшаб ижод қилган кўқонлик Азимбой Мискар «Уста Мулла», «Катта мискар» номлари билан Фарғона водийсида шуҳрат қозонди. Азимбой ясаган чилим, қумғон, дастшу, офтоба ва бошқа буюмлар Ўзбекистондаги музейларга қўйилган.⁴

Бу даврда мисгарлар тайёрлаган турли буюмларга аҳоли орасида талаб катта эди. Анча йирик, кам безак

бериладиган буюмлар: қозон, йирик мис кўза учун қизил мисдан, кичик, кўпинча сирти нақшланувчи буюмлар ишлов берилган сариқ мис «биринж»дан ясалган.

Шунингдек улар бундай идишларга ҳар хил нақшлар ҳам чекканлар. Шаҳарлар билан бир қаторда йирик қишлоқларда ҳам тажрибали мисгарлар кўп эди. Улар ўртасида ҳам меҳнат тақсимооти мавжуд бўлиб, ҳар бир уста маълум буюмнигина ясарди. Масалан, усталардан бири чилимни қалайласа ва қумғон ясаса, бошқалари қозон ва лаган ясар эди.⁵

Мис буюмлар мис тахтадан болға билан сандон устида қиздирмасдан уриб ясалган, қумтошли чархда пардозланган. Энг йирик мисгарлик маркази Қўқон бўлиб, Чорсу яқинида алоҳида мисгарлик маҳалласи бўлган. Водий мисгарлари тайёрлаган буюмлар чет элда ҳам жуда машҳур бўлган. Мисгарлик буюмлари юксак бадиий аҳамиятга эга санъат асари сифатида жуда қадрланган. Мисгарлар оддий асбоблар ёрдамида ўзига хос шаклли, нозик нақшли буюмлар тайёрлай олганлар. Мисгар устахонасида кичик ўчоқ, катта-кичик сандон, турли қисқич, қайчи, болғалар, омбур, эговлар асосий иш қуроллари ҳисобланган. Мис буюмларга нақш тушириш кандакорлик деб аталган. Фарғона кандакорлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири нақшларининг саёз, ислимийлиги, жумладан Қўқонда майда гулли нақш беришнинг урфга кирганлигида эди. XIX аср охирида мис патнисларга Худоёрхон ўрдаси, ҳайвонлар, одамлар тимсолидаги нақш бериш ҳам

тарқалган. Буюмлар қимматбаҳо тошлар билан масалан, феруза, ёқут, маржонлар билан зийнатланган. Марғилонлик кандакорларнинг эса сеvimли нақш элементи бодомсимон кўринишидаги қалампир нақши ҳисобланган.

Водийда чўян қуйиш(дегрeзлик) ҳунармандчилиги ҳам ривож топган бўлиб, улар маҳсулотининг 80-85 % омов тишидан иборат бўлган. Қўқон, Наманган, Андижон йирик дегрeзлик марказлари бўлган.Ушбу тармоқ Чуст, Косонсой, Конибодом, Риштон, Марғилонда ҳам ривож топган.6

Чўян қуёвчилар қишлоқ хўжалик меҳнат қуроллари билан бирга қозон ҳам қуйганлар. Шу сабаб тармоқнинг номи Қўқонда дегрeзлик, яъни тожикча “дег” қозон, “рез” қуйиш – қозон қуйиш маъносини билдирган. Бугунги кунда ҳам ушбу ном шаҳарда топоним сифатида сақланиб қолган. Хоразм ва Бухорода бу тармоқ «позачи» - «омов тиши» қуйиш деб аталган. Чўян қуядиган асбоблардан металлсозлар қолипларни ясайдиган чорчўп, чарх, белкурак, исканжа, лавгир, латтош, сихча, таганак (тевонак), тарнов (шовва), чанок, чўмич, эттахта, чироқ ва ҳ.к. фойдаланганлар. Дегрeзлар одатда манқалдон, жувоз бошмоғи, рус услубидаги ўчоқ плитаси, пахта тозалаш- «жин» дастгоҳи маховиги, чой идиш, тамаки туйиш учун кели сопи, аспак, қора чироқ, арава ғилдираги такчўёни ёки ҳалқа қуйганлар.

Чўян қуйиш устахонаси лойдан қурилган босқонли ўчоқ ва ёпиқ бинодан иборат иншоот бўлган. Фарғонада

бу ўчоқ «ёндўкон» деб аталган. Бу ерда ўтга чидамли гиштдан металл ичига ҳаво ҳайдовчи «кўз» дарча қилинган. Ҳаво эчки терисидан қилинган дам орқали берилган. Ҳовлида қиш пайтида қуйилган қолиплар қуритиладиган «хумбаз» жойлаштирилган. 7

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, чўян қуйиш ўлкада зарур даражада ривожлана олмади. Чунки ҳунармандлар тайёрлаган чўян буюмлар бу ерга Урал заводларида қуйилиб келтириляётган завод маҳсулотлари билан рақобатлаша олмас эди. Маҳаллий усталар асосан бу даврда ушбу келтирилган буюмларнинг синиқларини қайта қуйиш билан шуғулланар эдилар. Бутун Ўрта Осиё, шу жумладан, Фарғона вилояти аҳолисини ҳам шу заводлар маҳсулот билан таъминлаганлар. XIX аср ўрталаригача дегрезчилар хом ашёни маҳаллий конлардан олганлар. Кейинчалик рус мустамлакачилиги даврида Россиядан келтирилган темир-терсаклардан фойдаланилган. Уралдаги Костинский заводи (Расторгуевга тегишли) маҳсулотлари Оренбург ва Троицк орқали юзлаб тонна пуд чўян буюмлари Ўрта Осиёга келтирилган.

Жез қуйиш металл буюмлар ясашнинг мураккаб соҳаси бўлиб, ушбу соҳанинг водийда қадимдан ривожланганлигини археологик топилмалар ҳам тасдиқлайди. 6 Жумладан, 1953 йил Чустда ўтказилган археологик экспедиция томонидан мил. ав. II минг йилликка оид бронза буюмлар, 1951 йил Помир-Фарғона экспедицияси томонидан эса Водилнинг Жангойил мавзесидан II-V асрларга оид заргарлик,

мисгарлик, темирчилик, пичоқчилик махсулотлари, бронза ёки қизил мисдан ясалган ойна, бронза сирға, қўнғирок узук, темир пичоқ, ўқ учи топилиши юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Мис ва темир рудаси Исфара, юқори Неса, Ғовасой, Новқат, Арслонбоб, Оҳангарон конларидан олинган. Араб сайёҳи Макдисий «Мусулмон мамлакатларида Ўрта Осиёнинг ҳамма буюмлари ичида энг машҳурлари Зарафшон ипак ва ип тўқималари ва Фарғонанинг металлдан ясалган қуроллариدير» деб ёзган эди. Водийдаги темир кони ҳақида Заҳириддин Бобур ҳам хабар берганлиги кўпчиликка маълум.⁸

XIX асрда эса водий усталари асосан Чор Россиясидан келтирилган металл хом ашёсидан фойдаланганлар. Шу даврда саноат усули билан тайёрланган рус металл буюмларининг Ўрта Осиё бозорига кириб келиши муайян даражада маҳаллий ҳунармандлар ишининг қисқаришига олиб келган. Бироқ тармоқ фаолияти бутунлай тўхтаб қолмади. Чунки улар тайёрлаган буюмлар аҳоли ҳаёт тарзига мослаб, дидини ҳисобга олиб тайёрланар ва нархи ҳам арзонроқ эди.

XX аср бошларида Фарғона водийсининг деярли барча йирик шаҳар – қишлоқларида қимматбаҳо металлдан буюм тайёрлаш – заргарлик касби ҳам ривож топган эди. Зарарлар асосан маҳаллий савдогарлардан олган хом ашё – қумушдан буюм ясаганлар.

Қимматбаҳо металлари куйиш иши Россия ва Кавказ билан алоқалар туфайли юзага келган бўлса ажаб эмас. Кумушни қорайтириш техникаси Қўқонда ривож топган. Заргарлик буюмларидан асосан ёш аёллар фойдаланиб, улар турмушга чиққан илк йилларда меҳмондорчиликда ёки турли базм, тўй-ҳашамларда безак сифатида таққанлар. Водийдаги кенг тарқалган пешонага тақиладиган безаклардан бири бу тилла баргак бўлиб ҳисобланган. Ушбу безак тури ромбсимон шаклдаги кўзли металл пластинкалар бирлашмаси кўринишида бўлган, куйи қисмида кўплаб осилиб турувчи шокилалари бўлган.

Водийда кенг тарқалган заргарлик буюмларидан бири- кумуш билагузук бўлиб, сиртига ўйиб нақш берилиб, қорайтириш услубида пардозланган. Фарғона водийси аёллари орасида кулокка тақиладиган безаклардан қашқарбалдоқ, балдоқ ва сирғалар кенг ёйилган эди. Шунингдек, Туркистонбалдоқ, аравабалдоқ, Андижоннинг ойнакли зира, Марғилоннинг зилзилабалдоқ сирғалари машҳур бўлган.⁹ Бурунга осиладиган булоқи ҳам сирғалар туркумига кирган.

Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо тошлар Россия, Эрон, Ҳиндистон, Бухоро шаҳарлари ва маҳаллий конлардан олинган.

Заргарлар асосан уйдаги дўконда буюм ясаганлар. Дўконда кичкина сандон, бир неча хил болға, қайчи, омбур, тутқич, сим ясайдиган кира, кичик босқонли ўчоқ ва мисдан ясалган баҳандам, аррача ва турли нақш

берадиган металл қаламлар асосий асбоб-ускуналар бўлган. Бу асбоблар одатда авлоддан-авлодга ўтган. Ҳар бир заргарнинг мўъжаз тарозиси бўлган. Ўлчов бирлиги мискол (русча-золотник) ва нахуд деб аталган.

Мустамлакачилик йилларида тармоқ Россиядан келтирилган арзон фабрика маҳсулотлари билан рақобатлаша олмай аста-секин тушкунликка учрай бошлади. 1901 йил «Туркистанские ведомости» газетаси: «Заргарлик ҳунари синяпти, чунки кўплаб маҳаллий ҳунармандлар буюмлари, бизнинг маҳсулотлар томонидан сиқиб қўйилмоқда» деб ёзган.¹⁰ Лекин қадимий анъаналарга эга водий заргарлиги бутунлай тўхтаб қолмади. У ривожланишда давом этди ва аҳоли эҳтиёжларини қондириб турди.

IV. ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ, АРАВАСОЗЛИК КАСБИ ВА МАШҲУР НАҚҚОШЛАР

Қадимдан кенг тарқалган касблардан бири ёғоч буюмлар яшаш дурадгорлик касби билан бевосита боғлиқдир. Маҳаллий усталар ёғочдан ҳар хил қуроқлар, уй-рўзғор буюмлари, аравалар, эшиклар, ёғоч панжаралар тайёрлаганлар. Чарх, элак, эгар ва бешик яшаш ҳам мустақил касб бўлиб шаклланади. 1

Дурадгорчиликнинг энг муҳим тармоқларидан бири бу аравасозликдир. Арава – юк ва одам ташишга мўлжалланган, улов қўшиб ишлатиладиган қадимги транспорт туридир. Қўқон араваси бошқа минтақа араваларидан катталиги, ғилдирагининг йирик диаметри, кўп юк кўтара олиши, дарёдан, тошли йўллардан ўтишда қулайлиги, арава минувчининг от эгарида ўтириб уловни бошқариши билан фарқ қилган. Аравалар қўшиладиган уловга кўра **от арава, туя арава, хўкиз арава, эшак арава** каби турларга бўлинади. 2

Арава яшаш техникаси меҳнатталаб жараён бўлган. Буюрмачи устани хом ашёси ва озиқ-овқати билан таъминлаган. Арава яшаш асбобларига пой теша, қўл теша, даст арра, тиши ўртасидан қарама-қарши томонга йўналувчи йирик арра бўлиб четидан ўртаси томон арра асоси кичрайиб борган. Бу аррани темирчилар тобланган пўлатдан ясаганлар. Шунингдек, ўроқранда, муш ранда, тахтаранда, зиранда, искана, чўб

искана, нова искана, олчин тўқмоқ, омбур кабилар кирган.

«Тиз» деб аталувчи дастгоҳ ғилдирак айланасини эгиш учун хизмат қилиб, у йўғон ёғочдан ва у маҳкамланган устун (ерга кўмилган), йўғон ёғоч бошқа томони қадалган қозикдан тузилган. Шунингдек ғилдирак гупчаги ясаладиган сим дўкондан иборат.

Маҳаллий чўянгарлар ҳар бир ғилдирак учун 3 тадан 4 та чўян такчўян (ҳалқа) қуйиб берганлар. Ғилдирак айланаси темир қасқон билан қалпоғи катта «мусулмон мих» билан қоплаб чиқилган. Арава ғилдираги учун энг қимматбаҳо хом-ашё бу иссиқда ёрилиб кетмайдиган – «бужун» дарахти бўлиб ҳисобланган.

Аравани уста шогирдлари билан бирга 14-17 кунда ясаган, муҳим улов воситаси сифатида Қўқон араваларига эҳтиёж катта бўлган. Унинг афзалиги шундаки, ғилдираги катта бўлиб кичик ариқлардан, ўнқир-чўнқир кўчалардан бемалол ўтиб кета олган.

Қўқон араваси, Х.Бобобековнинг маълумотларига қараганда 40 пуд юкни кўтарган, унга туя қўшилса 60 пуд юкни торта олган. Аравалар билан дарёлардан ўтиш ҳам осон бўлган. Ана шу жараёни кузатган А.Миддендорф «Биринчи марта аравадан бундай фойдаланишни томоша қилишнинг ўзи бир чиройли ва гўзал манзарадек эди» деб таъкидлаб ўтган эди.³

Арава – арава шоти, ғилдирак ва ўқ каби асосий қисмлардан тузилади. Шоти 4,5 м. ча узунликдаги иккита отёғоч, 8 та поғона, икки сўлок ва айгиздан

иборат бўлади. Шотининг оралиғи 70-80 см. бўлиб, учларида от бўйинчасини маҳкамлашга хизмат қиладиган биттадан тешиклари бўлган. Ғилдирак гупчак, тўғин, кегай, беллик, араватемир, аравамих ва ёстик сингари қисмлардан иборат бўлади. Араватемир ва аравамихлар темирдан, қолган қисмлари қайрағочнинг чайир туридан ясалади. Ўқнинг йўғонлиги 40 см., 2,5 м. узунликдаги силлиқланган ёғоч бўлиб, икки учи ғилдирак гупчагига киритилади ва устига аравашоти миндирилади. Юрганда шоти жилиб кетмаслиги учун унинг остига сўлок ўрнатилади.

Тўқимачиликда зарур ҳисобланувчи кўп ёғоч буюмларни эса харротлар тайёрлаб берганлар. Улар бешик, ҳар хил чарх, ўқлов, жувоз, дук, урчуқ, чилим кабиларни ясаганлар. Харротлар махсус камон билан ишлайдиган чархдан, катта-кичик хаткаш (бички) ва исканалардан, ранда, арра, эгов, тешалардан фойдаланган. Тол ва тут ёғочи асосий хом-ашё бўлиб ҳисобланган. Тармоқ ичида эгарчи, тароқчи, элакчи каби ихтисосликлар ажралиб чиққан. Шу сабаб водийнинг Қўқон, Андижон, Марғилон каби катта шаҳарларида шу номдаги хунармандчилик маҳаллалари вужудга келган.

Дурадгорлар шунингдек аҳолининг уй жиҳозлари яъни турли хонтахта, сўри, курси, ёғоч идиш-товоқ, эшик, ўтов уй асосларини аҳоли учун ясаб берганлар. XIX аср иккинчи ярмига келганда арзон фабрика маҳсулотлари кириб келсада, тармоқ ўзининг аҳоли турмушидаги муҳим ўрнини сақлаб қолди.

Ёғоч ўймакорлиги дурадгорликда алоҳида аҳамиятга эга. Йирик шаҳарлардаги сулолавий ўймакорлар маҳаллий аҳолининг нозик дидини ҳисобга олиб ўймакорлик санъати билан безатилган буюмлар тайёрлашда давом этдилар. Зўр маҳорат билан ясалган эшик ва дарвозалар, устун ва шифтлар ажойиб санъат намуналари ҳисобланади. Фарғона усталари турли жавон, сандиқ, қути, хонтахта, курси ва идиш-товоқларга ўйма нақш солганлар. Нақш билан безатилган сандиқ ва жавон аҳоли зарурий буюм, ички безак бўлиб ҳисобланган. Айниқса эгарга берилган безаклар киши диққатини ўзига тортади.⁴

Ёғоч ўймакорлиги учун қайрағоч, мирзатерак, ёнғоқ, ўрик, арча, тут ва бошқа дарахтлардан фойдаланилган.

Ўймакор устанинг асосий асбоблари турли хилдаги исканалар ва болғалардир. Маҳаллий темирчи усталар ясаган исканалар 30 дан ортиқ бўлган, ёғоч буюмларга рангли бўёқлар билан гул ёки расмлар солиш ҳам кенг тарқалган. Ўймакорликнинг бағдоди, ўйма, ислими ўйма ва паргори ўйма турлари мавжуд бўлган.

Фарғонанинг моҳир ўймакорлари бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлган. Бу даврда ўймакорлик соҳасини эгаллаб олган машҳур усталардан бири Ҳайдар Нажмиддинов бўлиб, у 1850 йилда туғилди. Наққошлик санъатини отасидан ўрганган уста Ҳайдар биноларнинг карнизи, мукарнасларини безашда, мусиқа асбобларига бадий ишлов беришда моҳирлиги билан шухрат қозонди, Паргори нақшининг 30 дан ортиқ хилидан

фойдаланган. Уста Ҳайдар ишлаган ва безаган кўпқиррали столча, курси, лавҳ, кутичалар совға сифатида Россиянинг марказий шаҳарларига ҳам олиб кетилган. У тайёрлаган хунармандчилик маҳсулотлари бир неча марта кўргазмаларга намоиш этилган. 1910 йилда Фарғонада ўтказилган кўргазмада қатнашди. 1913 йилда Нижний Новгород кўргазмасида эса унга кумуш медалҳ берилди. Ҳ.Нажмиддинов 1920 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан ташкил этилган интернат мактабида наққошликдан дарс берган.5

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки водийда бундай хунармандлар бу пайтда кўп бўлган. Масалан, шундай машҳур наққошлардан бири Саидахмад Норкўзиев 1883 йилда туғилган, наққошлик сирларини отаси Норкўзи Нурматовдан ўрганган. Болалигидан нақш чизишга қизиқиб, уй ва мачитларни безашда отаси билан бирга қатнашган. 1903 йилдан бошлаб мустақил наққош уста сифатида Қўқон, Андижон, Марғилон, Ўш, Жалолобод ва бошқа жойларда шуҳрат қозонган. У А.Навоий номидаги театр биносининг Фарғона залини безашда (1946 й), Қўқондаги Худоёрхон ўрдасини таъмир этишда (40-50 й.й.) қатнашган. 1967 йилнинг 27 декабрида вафот этди.6

1899 йилда туғилган ўймакор уста Қодиржон Ҳайдаров эса наққошлик сирларини отаси Ҳайдар парангнинг устахонасида ўрганди. 1915-1918 йилларда ишчи ёшлар факультетида таҳсил олгандан сўнг 1919-1923 йилларда «Дорилфунун» хунархонасида дарс берди. Кейинги йилларда шаҳар мактабларида амалий

машғулот бўйича ўқитувчилик қилди. 1929-41 йилларда «Янги маъдан» дурадгорлик артелида устачилик билан шуғулланди, темир йўл устахонасида дурадгор бўлиб ишлади. Иккинчи жаҳон урушида 4 йил қатнашиб, келгандан сўнг яна «Янги маъдан» артелида ишни давом эттирди. 1946 йилда нақшинкор эшик ясаб Қўқон музейига топширди. Узоқ йиллар мобайнида музейда таъмирловчи уста бўлиб фаолият кўрсатди. 1957-60 йилларда Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртида ёғоч ўймакорлигидан дарс берди. 1960 йилдан бошлаб узоқ йиллар мобайнида Республика Бадий фонднинг устахонасида меҳнат қилди. Нозик санъат соҳиби сифатида узоқ йиллик хизматлари учун унга «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлиги учун» медали билан тақдирланди. Иттифок Рассомлар уюшмаси аъзоси бўлди. Ҳамза номидаги давлат мукофоти берилди, “Ўзбекистон халқ рассоми” деган унвон соҳиби бўлди. Қ.Ҳайдаров 1983 йилнинг 15 декабрида вафот этди.7

Айниқса наққошлик санъатини ривожлантиришда Алиназар қорининг хизматлари каттадир. Қори наққош 1881 йилда Қўқонда туғилган бўлиб, мисгар-наққошлик билан шуғулланган. Қўқонлик Хожи Фозил Отаулла ўғлидан ҳунар ўрганган. Алиназар қори мис идишларни Қўқон услубида миллий мумтоз нақшлар билан безаган, нақшлар орасига лирик байтларни моҳирона зарб қилган. У нақш берган ажойиб идишлар Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади.

1874 йилда Қўқон шаҳрида туғилган уста Абдураззоқ Абдурахмонов эса ёғоч ўймакорлиги

санъатини отаси уста Абдурахмондан ўрганди. Ислимий нақшлар устаси сифатида шуҳрат қозонган уста Абдураззоқ ёғочга ўйган нақшлар кўшимча безак (пардоз)ларга бойлиги билан диққатга сазовор. У асосан меъморчиликка оид ўймакорлик соҳасида ишлаган. 1934 йилда Тошкентдаги Халқ хўжалиги музейи (ҳозир Бадий кўрғазмалар дирекцияси)нинг икки табақали катта эшигини ўйиб нақшлаган. 1938 йилда вафот этган.⁸

Хулласи калом, инсоният ҳаётининг мазмунли ва гўзал бўлишига ўз ҳиссасини қўшган ҳунармандчилик, унинг муҳим қисми бўлган ўймакорлик санъатини такомиллашуви ва машҳур наққошлар нафақат Хўқанди латиф, балки бутун Ўзбекистонда ўзларининг бетакрор ва бебаҳо меҳнатлари билан тарих саҳифаларига унутилмас ёдгорликни тухфа этдилар.

V. ТЎҚИМАЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Тўқимачилик Фарғонада азалдан кенг ривожланган хунар турларидан бўлиб, бунга хом ашёнинг мўллиги, аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига эҳтиёжи катталиги сабаб бўлган эди. Бу ерда катта миқдорда маҳсулот тайёрланиб унинг бир қисмининг бир қисми ҳатто чорвадорларга ҳам сотилган. Жумладан, Қўқонда 1876 йилда 428 та ип газлама, 232 та дока тўқиш устахонаси бўлган бўлса, Андижонда 348 та тўқувчилик устахонаси фаолият юритган.¹

Тўқимачилик пахтадан ип газлама тўқиш ва пилладан ипак мато тўқиш тармоқларига бўлинган. Ҳар бир деҳқон хўжалигида пахта экилиб, ундан газмол тўқилган. Одатда пахтани чигитдан аёллар «чиғирик» ёрдамида тозалаганлар. Пахта толаси оддий чархда ип қилиб йиғирилган ва унинг бир қисми бозорга ҳам чиқарилган. Пахта ипдан асосан бўз тўқилиб, кўйлак ва чопонлар тикилган.

Водийдаги йирик тикувчилик марказларидан бири бўлган Қўқон тикувчилари қишки, ёзги чопонлар, эркак, аёл, болалар кўйлаклари, бош кийимлар тайёрлаганлар, қора ва яшил матодан чопон тикиш кенг тарқалган эди. XX аср бошларида «Зингер» фирмасининг тикув машиналари кириб келгач, чопон тикиш билан боғлиқ ишларни эркаклар бажара бошладилар. Янги хунармандчилик касби – машиначилик юзага келди. Шу сабаб Қўқонда чопонни

аёллар тикиб, эркаклар уни бичиш ва сотиш билангина шуғулланган бўлсалар, энди бозорда чопонни буюртмачининг кўзи олдида машинада тиккан одамни «машиначи» деб аталарди. Бундай машиначилар 3-4 мохир уста имтиҳонидан ўтадиган бўлдилар. Бундай машиначилар сони 72 та бўлиб, ҳар бир машиначи ёнида 2-3 тадан ёрдамчи ишчи ва 2-3 жойда уларга қарашли дўконлари бўлган. Шоаҳмад уста Йўлчибоев, Уста Содик, Абдусаттор Абдусаматов, Ражабжон Сулаймонқулов каби кишилар кўзга кўринган машиначилар ҳисобланганлар.2

Шунингдек Наманган уездида ҳам чопон ва кўрпатўшаклар астари учун ишлатиладиган ип мато тўқиш ривож топганди. Чунки у рус матоларидан арзон, иссиқни ўзида яхши сақларди, қалин ва камроқ эшилган эди.3

Бу даврда пахта ипидан тайёрланадиган газлама «дўкон» деб аталувчи дастгоҳда тўқилган. Дастгоҳ дурадгорлар томонидан қаттиқ ёғочдан ясалиб, унда мато тўқиш анчагина мураккаб жараён бўлганки, бу хунарни тўқувчилар ёшлигидан эгаллаб борганлар. Матони тўқиш жараёни бошланишида дастгоҳга танда ипни махсус хунараманд- *тандачи* томонидан териб берилган. Тўқувчи дастгоҳда ўтириб уни оёқ билан ҳаракатга келтирган, тароқдаги ип ораси очилгач арқоқ ип солинган, мокини танда ипларга кўндаланг тарзда ирғитиб арқоқ ипни ўтказган. Сўнг дастгоҳ тиғи ҳаракатга келтирилиб, арқоқ ип жипсланган. Ҳаракат шу тарзда давом этган.4

Мазкур даврда тайёрланган асосий матолардан бири бўз бўлиб уни эни 4-8 вершок (1 вершок 4,4 см. га тенг) ҳажмда тўқилган. Унинг бир гази (0,711 м. га тенг) 4 тийиндан – 7 тийингача сотилган. Тўқувчи бир кунда икки бўлак бўз тайёрлаган ва унинг бир бўлагини 20 тийинга сотган. Шундай матолардан яна бири олача бўлиб у кўк ва зангор рангда тўқилган. Олачанинг эни 8, узунлиги 18 ўрам (вершок) бўлган ва унинг бир бўлаги 60 тийиндан 2 сўмгача сотилган.⁵ Шунингдек чит, дока каби хилма-хил газламалар ҳам тўқилган.

Мато тайёрлашнинг муҳим жараёни уни бўяш бўлиб, бу даврда Фарғона вилоятида 396 та матони бўяш устахоналари фаолият кўрсатган. Бу касб билан асосан эркаклар шуғулланганлар Ип мато тайёр бўлгач эса унга гул босиш билан махсус хунармандлар-читгарлар яъни «астарчи»лар шуғулланганлар. Ҳар 7 аршин узунлигида матога гул босиш учун ишлатиладиган қолиплар нок дарахти ёғочидан тайёрланган ва қора, қизил рангларда аноргул, тол барги, қизилгул, шох, каштачилардан олинган палак нақшлари солинган.

Бўёқлар табиий бўлиб, тут пўкаги, қора анор, ёнғок пўстидан тайёрланар эди. Кўк рангга бўяш бўёқчиликнинг махсус соҳасини ташкил этиб фақат шу бўёқ хом ашёси четдан келтириларди. Бу соҳа билан кўпроқ яхудийлар шуғулланганлар. Қизил ранг ўсимлик илдизидан тайёрланган. Иссиқ ҳолда – қайнатиб бўялган. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу бўяш иши кўп вақт ва маблағ талаб қилсада, қизил мато ранги офтобда

ўчмайдиган жуда сифатли бўлиб чиққан. Лекин фабрика маҳсулотлари ўлкага кириб кела бошлагач, бўёқчилар табиий ранглар ўрнига сунъий ранглардан фойдалана бошладилар. Натижада бўялган матоларнинг сифати пасайиб кетди.

XX аср бошига келганда Фарғона вилоятида тўқимачилик хунармандчилигини бирмунча қисқаришига, фабрика маҳсулотларини кириб келиши ўз таъсирини кўрсатди. Лекин Россия фабрикаларида олача, қалами, беқасам каби матолар ишлаб чиқарилмаслиги туфайли, бу тармоқ ўзининг аввалги мавқеини сақлаб қолди, ҳатто ривожланди. Маҳаллий тўқимачиликнинг яшовчанлигига, маҳаллий матоларнинг арзонлиги, ҳар бир деҳқон матога бўлган эҳтиёжини ўзи қоплаши, кишлоқлардаги натурал хўжаликларга фабрика маҳсулотларининг кириб бориш қийинлиги билан ҳам белгиланар эди.

Ўрта Осиёда ипакчилик ва ипак матолар тўқиш маркази бўлган Фарғонада ипак қурти парваришlash ва пилла етиштириш билан кўплаб деҳқон хўжаликлари шуғулланганлар. Ўз даврида Чор Россияси ҳам бу сердаромад соҳани Европа бозорига чиқаришга ҳаракат қилган эди. Хусусан, 1870 йилда Туркистонга юборилган Россия молия вазирлигининг вакили Петровскийга ипакчиликни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланган эди.⁶ 1887 йил Янги Марғилонда ипак қурти уруғи етиштириш станцияси қурилди, уруғнинг нави яхшиланди ва аҳолига бепул

тарқатилди. Натижада 1893 йилга келиб Фарғона вилоятининг Марғилон уездида 24.000 пуд (1 пуд 16 кг. тенг), Наманган уездида 14.613 пуд, Андижон уездида 6.000 пуд, Қўқон уездида 5.520 пуд ва Ўш уездида 1.192 пуд бўлиб, жами 51.325 пуд пилла етиштирилди.⁷

Пилладан ип йигириш ва мато тўқиш энг ривожланган хунармандчилик турларидан бири бўлган. Хусусан, бу тармоқнинг маркази ҳисобланган Марғилонда 46.800 нафар аҳолидан 20.000 нафари ипакчилик билан шуғулланиб, шаҳарда пилладан ипак чуватувчи 2000 та қозонлар ишлаб турган.⁸ Шаҳарда 15.500 та ипак газлама тўқувчи дўкон бўлиб, уларда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи 6000 та устакор тўқувчи ва оддий тўқимачи хунармандлар фаолият юритарди. Тадқиқотчи Е.Головиннинг таъкидлашича шойи газлама тайёрлашнинг асосий марказлари Хўжанд, Қўқон, Марғилон шаҳарлари бўлиб, бу марказларнинг матолари ўзининг шарқона нақши билан жуда фусункор бўлган.⁹

Иккинчи ипакчилик маркази бўлган Қўқон шаҳрида 276 та шойи тўқиш дастгоҳи мавжуд бўлган. Умуман водийдаги деярли барча шаҳар ва қишлоқларда ипакчилик бу даврда ривож топган эди. 1902 йилги маълумотга кўра Марғилон уездидан бутун 54.451 деҳқон хўжалигидан 23.262 таси ёки 42,7 %, Қўқон уездидаги 50.389 деҳқон хўжалигидан 20.323 таси ёки 40,6 %, Наманган уездидаги 49.790 деҳқон хўжалигидан 29.606 таси ёки 48,1 %, Андижон уездидаги 45.963

деҳқон хўжалигидан 12.298 таси ёки 26,7 % ипакчилик билан банд эди.10

Кейинги йилларда ҳам водийдаги шойи тўқиш марказлари ўзларинг аввалги мавқеларини сақлаб қолдилар ва ишлаб чиқаришни давом эттириб бордилар. Жумладан, Марғилонда махсус “Атлас” фирмаси, Қўқонда эса шойи тўқиш комбинатида атлас тўқиш йўлга қўйилган эди.

Газмол тўқиш билан асосан аёллар, ипак ва ярим ипак мато тўқиш билан эркаклар шуғулланганлар

Пилладан газлама тайёрлашнинг ҳар бир жараёнини муайян мутахассис ҳунарманд бажарган. Дастлаб пиллани «пиллакаш» ўз устахонасидаги чўян қозонда қайнатиб ипагини чуватгандан сўнг, чувалган ипак толани махсус чарх-ғилдиракда ўраб калавалаган. Бошқа уста кичикроқ ғилдирак билан пилла ипини катта ғалтакка ўраган. Учинчи пиллакаш катта ғилдирак ёрдамида ипакни калавалаб ишқорда пиширган. Танда ипларга нақшни «чизмакаш» уста солган. Ранглаш орқали нақш тушириш ҳам усталарнинг муҳим вазифаси бўлган. Тўқилган мато ва йигирилган ипак ипларни махсус усталар бўяганлар. Ипак ип тайёр бўлгач, уларни тўқимачилик дастгоҳига махсус усталар тортиб бергандан сўнг уста ипак матони тўқишга киришган.

Хунарманд бир кунда 4-6 аршин (1 аршин 72 см. га тенг) шойи газлама тўқий олган. Шойи газлама тўқиб бўлинган, унга пардоз бериш учун махсус хунарманд «кудунгар»га берилган. Газлама яхшилаб тахланиб сўнг

«кудунг» деб аталувчи, оғирлиги 16 фунт (1 фунт 409,5 гр.) бўлган ёғоч болға остига қўйилган. Кудунглашдан сўнг газлама усти силлиқлашиб, нур ташлаб турувчи тусга кирган. Мато бир соат кудунгланган. Ипак газлама тўқувчи хунармандлар мато турига қараб: «шои-боф», «беқасам-боф», «дараи-боф», «пари-паша-боф», «алача-боф» тарзида касбларга бўлинганлар.

Шойи матоларнинг энг олий ва қимматли нави атласдир. *Атлас* арабча силлиқ, текис деган маънога эга бўлиб, танда ипи ҳам арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ матодир. Танда ипи бўяб безатилади, алоҳида ишлов билан берилгани учун ҳам у товланиб туради. Ўзбек атласлари ранг-баранг гулларга бой бўлиб, улар билан уйғунлашиб, матода яхлит гўзал бир нақшни ҳосил қилади. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади. Хонатласнинг барча сири унинг тузилиши ва тўқилиши усулидадир. Атласнинг тўқилиш жараёни тўрт тепкили атлас тўрт тепкили дастгоҳда, саккиз тепкили атлас саккиз тепкили дастгоҳда тўқилади. Атласдан аёллар либослари, кўрпа, кўрпачалар ва бошқа буюмлар тайёрланади. Атласнинг Қора атлас, Барги карам, Яхудий нусха, Намозшомгул, Шахмат ва бошқа турлари мавжуд..

Марғилонда эса атласнинг «одими» - рангсиз, «кичик» - шўх, «баргикарам» - яшил ранг, «шоли-суқоқ» -сомонранг, «патнис» - патнис нақш, «шоти-капа», «қўчқор шох» - қизил тусда – оқ ранг нақшли турлари кўп тарқалган эди.

Марғилондаги махсус «ипак-бозори» да 30 та дўкон бўлиб улар расталарга ажратилган эди. Ипак савдоси пайшанба ва жума кунлари бўлиб ўтган.

Ипак тўқиш мураккаб жараён бўлиб, уни ўрганиш учун тўқувчига шогирд тушган болалар 3-10 йил оралиғида моҳир тўқувчи уста бўлиб етиша олганлар. Дастлабки 1-2 йил уй юмушларига ёрдамлашиш ва жараённи кузатиб ўрганишга кетган. Сўнг шогирд оддий ишларга найча солиш, елим қайнатишга жалб этилган. Шогирд мустақил газлама тўқий оладиган даражага етгач, тажрибали усталар синовидан ўтказилган. Бу имтиҳондан муваффақиятли ўтгач, шогирдга мустақил ишлаши учун фотиҳа берилган.¹¹ Шойи газламаларнинг яна бир қимматбоҳо тури адрасдир. Халқимиз ҳаётида кенг тарқалган адрас аёлларнинг кийим-кечаклари, чопон, кўрпа ва кўрпачалар учун ишлатилган.¹²

У танда ипи табиий ипакдан, арқоғи қалин ипдан тўқилган газлама эди. Гули икки томонлама ва арқоқ ипи йўғонроқ бўлганлиги учун газлама юзасида кўндаланг чивиклар ҳосил бўлади. Кудунгланиш натижасида юқори навли адраснинг бир томони атласдай силлиқ бўлиб, иккинчи томони товланиб туради. Гуллари абр усулида сариқ, кўк, пушти, қизил ранглар қўлланилган. 1920 йилларгача водийнинг йирик шаҳарларида тўқилган адрас газламалар Ўрта Осиё бозорларида, шунингдек Афғонистон, Хитой мамлакатларида сотилар эди.

Бекасам ҳам шойи матонинг бир тури бўлиб, у матолар ичида кўк-яшил, гунафша, кумушранг бўлиши билан ажралиб туради.

Бу даврда турли ипак иплар ёрдамида матога нақш тикиш иши билан боғлиқ бирқанча касб-корликлар ҳам вужудга келган эди. Жумладан, шундай хунарлардан бири каштачиликдир. Каштачилик миллий истеъдод намунаси бўлиб, унинг кенг ёйилишида халқимизнинг гулдор нарсаларга меҳр-ҳавасининг зўрлиги намоён бўлади. Хусусан каштачилик асосини уй ички томонларини безаган катта сўзана - палак, гулкўрпа, чойшаб, зардеворларга дўппи, белбоғ, жияқларига ипакли гул солиш ташкил этади. Ўз даврининг машҳур каштачи ва чизмакаш усталардан бири қўқонлик О.Масодиқованинг номи бизгача етиб келган. Палакчиликда эса ипак ёки ипдан тўқилган чойшабларга турли рангдаги ўсимлик гуллари, ҳайвон ва қушларнинг суратлари тикиларди, ҳатто ғазал парчалари ҳам ипак билан ёзилар эди. Машина ёрдамида ҳам ипак ип билан кашта тикилиб у халқ орасида попопчилик деб аталган. Попопчиликда тикувчилар рўйжа, чорси, жойнамоз сингари мато буюларга гул солганлар. Бунда тикиш жараёни чеккадаги «сув»ни яъни нақш элементини тикишдан бошланади. Одатда «сув» нақши - тўғри кетган ва нақш гулли қисмларга бўлинади.” Сув”дан сўнг «олма», «кур», «шоҳ»ни тикилади. Кейинги навбатда жойнамоз ўртасида шоҳли «ғунча» ҳосил бўлади. Попопчининг

шоҳ асарини сўзана дейиладики, уни 3-6 кунда тикиб битказилади.

Фарғона водийсида тўқимачиликнинг муҳим соҳаси гилам тўқиш бўлиб, бу юмуш билан асосан ярим ўтроқ қорақалпоқ, қирғиз, ўзбек этнослари шуғулланганлар. Азалдан уларнинг хўжалик соҳаси чорвачилик бўлиб, уларда юнг, тери хом ашёсини қайта ишлаб маҳсулот тайёрлаш анъанаси анча ривожланган эди. Ҳатто XIX аср охирлари XX аср бошларида Андижон уездида гилам билан савдо қилувчи махсус марказ вужудга келган. Бу жойларда гилам тўқиш ишларини ўрганган В.К.Разводовскийнинг билдиришича, «Гилам тўқиш билан аёллар шуғулланади. Ҳар бир қишлоқда гилам тўқиш техникасини мукаммал эгаллаган ва юқори дид билан ишлайдиган тажрибали устани топиш мумкин эди».13

Бу ерда тўқилган гиламлар жуда сифатли бўлган. 1902 йил Петербург кўرғазмасида Андижон усталари тўқиган «Ҳандиргул» деб номланган гилам юқори баҳоланган.14

Айниқса, Ойим қишлоқлик машҳур гиламчи Бозорбиби бу соҳада ном чиқарган эди. Бундай тажрибали гиламчилар ўзларининг бир неча шогирдлари билан биргаликда ишлардилар. 1908 йил Андижоннинг Ойим ва Қўрғон-тепа волостларида 38 нафар тўқувчи гиламчилик билан шуғулланиб, 427 аршин квадрат гилам тўқилган. Бу тўшамалар нархи 1750 сўмга баҳоланган эди.

Бу даврда Қўқон уездида ҳам бу тармоқ анча ривожланганди. 1912 йилги маълумотга кўра қипчоқ волостида 35 та хонадон гилам тўқиш билан шуғулланган. Ҳар бир хонадон гилам тўқишдан йилига 300 сўмдан даромад қилган.¹⁵

Чор ҳукумати Ўрта Осиёни олгач, гиламчиликдан катта даромад олишни мақсад қилиб тармоқни сақлаб қолиш учун бир қанча чора-тадбирларни кўрди. Шунга қарамай маҳаллий гиламчилик таназзулга учрай бошлади. Бунинг сабаби эса, бу даврга келиб арзон фабрика бўёқларидан фойдаланиш, кўпроқ фойда кўриш илинжида гилам тайёрлаш миқдорининг кўпайиши, вақтининг қисқариши гилам сифатига салбий таъсир кўрсатиши оқибатлари эди. Мазкур ҳалат тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган. Чунончи, «Пахта экин майдонларининг кўпайиши билан, аёлларнинг унда бандлигининг ортиши, савдонинг ўсиши ва янгича эҳтиёжлар, услуб, йўсинларнинг вужудга келиши, лекин авваллари юксак маҳорат, дид билан ишланган гиламларни тўқиш имконини бермай қўйди».¹⁶

Бадавлат кишилар «гиламчи» ҳунармандни шогирдлари билан уйига таклиф қилган ва уни хом ашё, озиқ-овқат билан таъминлаб катта гиламларни тўқитганлар. Гилам тўқиш мосламаси кичик ҳужраларга сиғмаганлиги туфайли тўқувчилар очиқ ҳавода ишлаганлар.

Гилам тўқиш технологияси ва керакли асбоб-ускуналар ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради.

Гидамчилик дастгоҳи горизонтал (ётиқ) қисқа навойли (энсиз) ва кенг навойли турларига бўлинади. Гидам тўқиш учун 4 та қозик қоқилиб, 2 та ёғоч кўндаланг қўйилган ва иплар тортилган. Юнгни кесувчи пичок, жипсловчи тарок, патни кесувчи темир қайчи ёрдамида гидам тўқилган. Гидамни тўқиган ҳар бир кишига бир аршин оралиқ тўғри келар эди. Кўп меҳнат сарф қилиб, ҳажми 5x3 аршин келадиган соф юнгдан тўқилган гидамни нархи 40 сўм бўлган.¹⁸ Гидам асосан қўй юнгидан тўқилиб, одатда эчки, туя, пахта, ипакдан қилинган ип калавадан кам фойдаланилган. Гидамдўзлар ҳар хил рангларни яхши олувчи оқ рангли юнгни қадрлаганлар. ¹⁹ Фарғона водийсидаги моҳир гидамдўзлар қирғизлар, қипчоқлар чорвачилик қисқариши натижасида пахта ипдан ҳам фойдалана бошлаганлар.

Юнгдан тўқиладиган гидам тўшамалар одатда патли гидам, юнгдан тўқилган шолча, палос, кигиздан иборат бўлади. Яхши тўқилган шолча 25 сўм, оддийлари эса 8 сўмга баҳоланар эди.

Фарғона аҳолиси турмушида юнгдан тайёрланувчи кигиздан ҳам кенг фойдаланилган. Пишиқ, пухта ва жуда арзон бўлган тўшамалар баҳорда, баҳорги чорва юнглари олингандан сўнг тўқилган.

VI. ҚОҒОЗГАРЛИК ҲУНАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЮКСАЛИШИ

Ўрта Осиёда Самарқанддан кейинги қоғоз ишлаб чиқаришнинг йирик маркази Қўқон бўлиб, бу ерда ишлаб чиқаришнинг юзага келиши ўз тарихий шарт-шароитларига эга эди.

Маълумки, XVIII ва асрларда Ўрта Осиё давлатларида юз берган сиёсий инқироз ва танглик туфайли бутун Ўрта Осиёда маданий ҳаёт ва унинг муайян қисми бўлган қоғоз ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди. Хусусан, турли урушлар, кўзғолонлар, хонликлар ўртасидаги низолар Самарқанд қоғозгарлик мактабини таназзулга олиб келди. Аксинча, бу даврда сиёсий жиҳатдан барқарор бўлиб бораётган, Қўқонда қоғозгарлик ривож топа бошлади. Бу ерга Самарқандлик усталар кўчиб ўтдилар. Шу тариқа Самарқанд устахоналарида қоғоз ишлаб чиқариш тўхтаб, аста-секин Қўқон устахоналари бутун Ўрта Осиёда, яъни Туркистонда – Орол денгизидан то Хитой чегараларигача қоғоз таъминотига эгалик қила бошладилар.

Ҳатто, Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтидаги Шарқ қўлёзмалари рўйхатини ўрганилганда, XVIII ва XIX асрларга оид қўлёзмалар ичида Самарқанд қоғозига ёзилган манбалар учрамайди. Аксинча XVIII асрнинг II ярми ҳамда XIX асрга оид қўлёзмалар, кайдномаларнинг аксарияти Қўқон қоғозига ёзилганлиги маълум бўлди. XIX асрга

келиб Қўқондаги устахоналар Марказий Осиёнинг йирик қоғоз ишлаб чиқариш марказига айланди. Чунки қоғоз ишлаб чиқариш бир бутун маҳаллага бирлаштирилди. Қоғоз сифати, миқдори ва нархи учун масъул шахслар тайинланган. Натижада тез орада Самарқанд ва Хуросон қоғозлари Марказий Осиёда истеъмолдан сиқиб чиқарила бошланди. XVIII бошида Қўқонда қоғоз тайёрланганлигини маҳаллий тарихий манбаларга таянган ҳолда қўқонлик тадқиқотчи олим Аҳмаджон Мадаминов ҳам таъкидлаб ўтади. Лекин Қўқон қоғозгарлиги тўғрисида тарихий манбаларда бошқа маълумотлар жуда кам учрайди.

Қўқонда қоғоз тайёрланиши ҳақидаги илк ёзма манба маълумотларни XIX асрни иккинчи ярмида Туркистон ўлкасига ташриф буюрган Чор ҳукумати маъмурияти амалдорлари, ҳарбийлари ва саёҳатчилари ёзиб қолдирган сафар кундаликларида учратишимиз мумкин. Масалан, сибирлик казак Максимов Тошкентда бўлиб, ўз раҳбарларига шундай ҳисобот ёзади: «Ёзув қоғозлари Тошкент ва Қўқон шаҳарларида тайёрланади. Саид Аҳмад бойнинг қоғоз заводида йигирмата ишчи ишлайди. (Изоҳ: Максимов ва бошқа муаллифлар дўкон сўзини завод ёки фабрика деб таржима қилганлар).¹

XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлигига ташриф буюрган А.П.Федченко бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: «Қўқон хонлигидаги қоғозгарлик устахонаси Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган бирдан-бир фабрикадир. Бундай фабрикалар Қўқон хонлигининг иккита қишлоғида фаолият кўрсатиб,

биринчиси Чорку қишлоғида бўлса, иккинчиси Мўйи Муборак (маҳаллий шевада Мўймуборак)дадир. Бу фабрикаларда ишлаб чиқарилаётган қоғоз тайёрлаш усули кишини хайратга солади.² Чунки Қўқон қоғозгарлик усули Хитой қоғозгарлик усулига жуда ўхшашлигини А.П.Федченко таъкидлаб ўтади. Ушбу масалага тадқиқотчи Н.Ҳабибуллаев ўз фикр-мулоҳазалар билдириб шундай ёзади: «Ўрта Осиёлик қоғозгар усталар жуда қадим замонлардаёқ орттирган Хитойча қоғоз тайёрлаш усули, анъана ва кўникмаларини асраб қолганликларига хайратланишнинг ҳожати йўқ. Чунки ўз устахоналари ва асбоб-ускуналарининг, қўл меҳнатига асосланган услубларининг ниҳоятда эскилигига қарамай, улар бу ҳунарни санъат даражасида кўтара олганлар ҳамда аъло сифатли қоғоз тайёрлаш усуллариини сақлаб қолганлар. Бу ҳам бўлса, бир неча оилаларда авлоддан авлодга ўз ҳунарини ўргатиш усули билан ҳам амалга ошиб келганлигидир.³

Энг йирик қоғозгарлик устахоналари Мўйи Муборакда бўлиб, шу номли ариқ бўйлаб ўнлаб устахоналар қурилган эди. Демак, юқорида айтиб ўтилган маълумотларга таянадиган бўлсак, Қўқонда қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги XVIII асрда самарқандлик усталарни бу ерга кўчиб келишлари билан вужудга келади ва XIX аср иккинчи ярмида раванқ топади. Қоғоз тайёрлаш усули қачонлардир ўзлаштирилган, Хитой қоғозгарлик мактаби анъаналари асосида юзага келган. Лекин айрим маҳаллий

тарихчилар, зиёлилар берган кизиқарли маълумотлар ушбу масалани келгусида чуқурроқ тадқиқ этиш, Қўқонда қоғоз тайёрлаш хунаrmандчилик мактабни аниқ юзага келиш санасини ойдинлаштириш вазифасини кўяди. Ўз пайтида Қўқон шаҳридаги Фарғона вилоят адабиёт ва санъат музейи раҳбари бўлиб ишлаган Султонхон Сатволдиев берган маълумотларга кўра, Қўқонда қоғозгарликнинг ривожланиши Қўқон ҳукмдори Тангриёр Султон номи билан боғлиқдир. Унинг сўзларига кўра XVII асрнинг бошларида қоғозгарлик мактабини ривожлантириш мақсадида Шарқий Туркистондаги Хўтон шаҳридан ака-ука Нормухаммад ва Аҳмад Охунларни Тангриёр Султон ўз мулкига таклиф қилади.⁴ Улар шундоқкина Қўқоннинг биқинида жойлашган Мўйи Муборак қишлоғининг серсув анҳор бўйида устахона куриб қоғозгарликка асос солишган. Маҳаллий ёшлар бўлса, шогирдликка ёлланиб, кейинчалик моҳир қоғозгарлар даражасига кўтариладилар.

Ушбу маълумотларнинг тарихий асосга эга эканлиги тўғрисида далиллар етарли бўлмасада, эътиборга молик томони – ишлаб чиқариш усулини хитой қоғозгарлиги анъаналари асосида ривож топганлигини яна бир бор таъкидлаганлиги ва Қўқонда қоғоз тайёрлаш XVII асрда вужудга келганлигини билдириши, келгусида бу фикр-мулоҳаза хусусида зарур изланиш олиб боришни талаб этади.

XIX асрда Қўқонда қоғозгарлик ишларини раvнак топганлиги тўғрисида Қўқон хонлиги архиви

материаллари, Қўқон хаттотлик мактаби вакиллари адабий меросидаги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. Ушбу маълумотлар хусусида биз ушбу рисола ни қоғоздан фойдаланиш тарихи бўлимида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Маҳаллий тарихнависларнинг берган маълумотларига кўра, бу даврда қоғоз ишлаб чиқаришда Ёдгорбой, Мадаминбой ва Мамадали каби обжувоз эгалари бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлиб кетган эдилар. Қўқон қоғози ҳатто Мисргача танилган эди. Лекин кўп ўтмай Қўқон қоғозгарлик мактаби учун оғир кунлар бошланди. Сабаби 1863-1873 йиллар оралиғида Худоёрхон ўрдаси қурилади. Ўрдани безаш ишлари, хусусан ташқи сирланган ғиштлар – кошинларни ёпиштиришига риштонлик мохир кулол уста Кали Абдулла бошчилик қилади. Хон қулоғига шундай овозалар етиб борадики, гўё Ўрда безаклари мустаҳкам эмас, нобоп ўрнатилмоқда. Шунда хон устани ҳузурига чақиртиради ва ундан: «Бу бинони Оллоҳ Таолонинг хоҳиш-иродаси ила бунёд этдик. У салтанатимизнинг тимсоли сифатида неча аср туриши мумкин?» - деб сўрайди. Уста Абдулла хонни бино томи устига етаклайди. Улар томга чиққач, уста қўлидаги тариқ тўла лаганни мезана (азон айтиладиган жой)нинг энг устки қисмига қўяди. Хон тикилиб қараса, дон аста-секин тўкилади. Ваҳоланки, ҳаво мусаффо, шамол эсан йўқ эди. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан идиш бўшаб қолди. Хон бунинг сир-асрорини сўраганда, уста Мўйи Муборакка қараб ишора қилади. Бу қишлоқдаги

обжувозлар берган зарбалар ер ости тебраниши сифатида Ўрдага ўз таъсирини ўтказмоқда эди. «Агар қоғозгарларнинг обжувозлари шаҳардан 3-4 чақирим масофага кўчирилса, бу бинолар икки юз йил туриши мумкин», - дейди уста. Худоёрхон учун аркони давлатнинг, салтанатнинг рамзи ҳисобланган Ўрдани сақлаб қолиш ҳар нарсадан устун эди. Унинг фармониға мувофиқ, кўқонлик қоғозгарлар шаҳардан 70-80 чақирим узоқда жойлашган Сўх ҳудудига қарашли Қалача, Тул қишлоқларига кўчириб юборилади. Мўйи Муборак қишлоғида истиқомат қилувчи кекса ўқитувчи Эҳсонали Турсунов сўзларига кўра, зикр этилган Мамадали уста дарё соҳилида аввал Қалачада, сўнг Ғазнов қишлоғида қоғоз ишлаб чиқарувчи корхона куриб, ўз касбини фарзандларига ўргатади. Унинг корхонаси Туркистондаги бекарор сиёсий даврларгача маҳсулот берган.

Уста Ёдгорбой эса ўғли Қодирали билан Бухоро амири таклифига кўра, Бухоро воҳасининг Шофиркон туманига бориб қоғозгарликни йўлга қўйган эди. У ишлаб чиқарган қоғоз амирға маъқул келган. Ҳатто Амир Ёдгорбой ўғли Қодиралиға ўз канизакларидан бирини никоҳлаб берган деган маълумот ҳам мавжуд. 1920 йил Бухоро амирлиги тугатилгач, уста Ёдгорбой ўғли Қодирали билан Қўқонға қайтган ва ҳаётини деҳқончилик қилиб ўтказган.

Қоғозгарларнинг Қалача қишлоғидаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида маҳаллий аҳолининг кекса кишилари хотиралари ҳам айрим маълумотларни беради.

Жумладан Қалача қоғозгар усталарнинг набираларидан Мирзали, Шарифжон, Бобожон ота ҳикоялари муҳим аҳамиятга эга. Бобожон ота Латиповнинг сўзларига кўра, унинг ёшлиги ўтган 1930 йилларда ҳам Сўх дарёси бўйида обжувозлар туну кун ишлаб турган. Бу фикрни қишлоққа келган машҳур шоирлар Чархий ва Чустий домлалар ҳам ўз таассуротларида ёзиб қолдирганлар.

Бобожон отага бу обжувозларни Қўқондан келган усталардан Солиҳбойвачча, Каримчабой, Мадалибойлар қурганликларини билдирган. Бобожон ёш бўлишига қарамасдан 80-90 ёшни қоралаган бу усталарни хотирасида яхши сақлаб келган. Улар асосан қоғозгарлик билан шуғулланган. Обжувозларни юргизиш, хом ашё ювиш катта миқдордаги тоза оқар сувни талаб қилган. Дарё бўйидаги серсув ерда жойлашган Қалача танланганлигининг боиси шу бўлса керак. Қишлоқда қоғоз тайёрлаш 1930 йиллар бошларигача давом этган. Қоғозгарлик ўрнини пахта майдонлари тортиб олган. Устахона эгаларининг кўпи кулоқ сифатида сургунга юборилган, айримлари катағон қилинди, обжувозлар бузиб ташланди, ҳовузлар тошга тўлдирилди. Эҳтиёж учун анча арзон бўлган рус қоғозлари ишлатила бошланди. Шу тариқа бутун Ўрта Осиёга донғи кетган Қўқон қоғозгарлиги ҳам катағон йилларининг қурбони бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида қоғоз тақчиллиги туфайли қишлоқда колхоз эҳтиёжи учун баъзи-баъзида қоғоз тайёрланган.

Қишлоқ аҳолисининг эслашича, Қалача қоғози туяларда Афғонистон, Бадахшон, Хуросон ва Туркистон ўлкалари шаҳар ва қишлоқларига олиб бориб сотилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қўқонда қоғоз тайёрлаш хунари ўзининг узоқ йиллик тарихига эга. Айрим маълумотларга кўра, бу тармоқ Қўқонда XVII асрдан шакллана бориб, XIX асрда раванқ топди. Мўйи Муборак, Чорку каби қоғозгарлик марказлари вужудга келди.

Марказий Осиёда ўз қоғози билан машҳур бўлган Қўқон қоғозгарлари ҳам ҳар хил қоғозларни тайёрлашни йўлга қўйганлар. Қўқон қоғози ўзининг юқори сифати билан машҳур бўлиб, Қашқар, Шимолий Афғонистон ва Мисрга ҳам олиб борилгани маълум. Айрим маълумотларга кўра, бу қоғоздан Бухоро амирлиги пуллар муомаласида фойдалангани ҳақида Афғонистонда чиқадиган «Фарҳанги мардум» журналида яхшигина илмий мақола ҳам берилган.⁵

Қўқон қоғози сифати, чидамлилиги, нафислиги жиҳатидан Хитой қоғози билан бемалол беллаша олган. Чунки Қўқон қоғозларидек шаффоф ва нафис қоғоз дунёда бўлмаган деб ҳисобланади. Нафислиги шундаки, унга матн ёзилса, бу ёзувни қоғознинг орқа тарафидан ҳам бемалол ўқиш мумкин бўлган. Қўқон қоғози сувда тез ивимаган, тортилганда йиртилиш ўрнига чўзилган. Пилта қилинса (эшиб арқон шаклига келтирилса) анча-мунча юкни кўтара олган. У дўппи безакларига ҳам ишлатилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қўқон қоғозининг ўнга яқин тури бўлган. Хусусан, абрибахор,

абришем, ҳафтранг каби олий навли қоғоз турлари бўлиб, улар турли хил хом ашёлардан тайёрланган. Масалан, абрибаҳор Миср пахтасидан тайёрланиб, асосан китоб муқовалари тайёрлашда ишлатилган. Чиройли бўлиши учун унга тухум сариғи билан сайқал берилган. Шаҳарда муқова ясовчи саҳҳофларнинг алоҳида дўконлари бўлиб, абрибаҳор улар дўконидаги энг қиммат қоғоз тури бўлган. Ҳаттот Рожий Хўқандий абри қоғоз турларини ранг-баранг ишлашда тенги йўк уста эди. Қўқонлик моҳир ҳаттот Мирзо Хайрулло Мирзо Хўқандий Мирзо Носир ўғли (шоир, шеърятда Асқарали Чархийнинг устаси) шундай абрибаҳор ёзув қоғозларини тайёрлашда ҳам жуда моҳир эди. Ҳафтранг қоғозни ишлаб чиқариш эса устандан алоҳида маҳоратни талаб қилган. Қўлёмаларнинг варақлари ҳафтранг қоғоздан тайёрланса, ҳар бир варақ турли рангда товланиб турган. Натижада бу хислат мутоалачини чарчатмай, завқига завқ қўшган. Чунончи, ҳаттотлардан Муҳаммад Тоҳир Хўқандий томонидан Мирзо Бедилнинг танланган ғазаллари, Фурқат, Алмаий, Завқий ва бошқаларнинг шеърларидан иборат 48 варақли баёзи шундай ипак қоғозга кўчирилган. Бу баёз ҳозирги пайтда Қўқон шаҳрида жойлашган Фарғона вилоят адабиёт ва санъат музейида сақланмоқда. Умуман Қўқонда шойидан қоғоз ишлаб чиқаришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида қоғозгарлар қоғоз ишлаганлиги ёки йўқми, бу тўғрисида бирор сўз юритилмасада, маҳаллий қоғоз ишлаб чиқариш усуллари билан таниш бўлган олим А.А.Семёнов бу

ҳақда шундай ёзади: «Қўқонлик усталар шойи қоғозни ишлашни яхши билишган, буни улар Бухорога бориб, у ерлик усталарга намоиш этишган». 6 Уста Ёдгор деган киши анча илгарилари ҳам Қўқондан шойи қоғоз олиб турганлигини таъкидлаган. Бу фикрни шарқшунос олим Иброҳим Одилов ҳам тасдиқлайди.

Қўқонда абришем қоғоз нави ҳам ипак ва ипакли матоларнинг чиқиндиларидан тайёрланган. Қўқон ҳаттотлари томонидан кўчирилган муқаддас китоблар, араб тили грамматикасига оид ўқув қўлланмалари, машҳур шоирлар яратган асарлар асосан бу қоғозга ёзилган. Жумладан, 1873 йил Қўқонда насъталиқ хатида «Ат-тасриф ал Иззи» номли араб морфологиясига оид кенг тарқалган ўқув қўлланма қора сиёҳ билан шундай ипак қоғозга кўчирилган. Шунингдек, 1875 йил Қўқонда насъталиқ хатида «Ал-қофия» номли араб грамматикасига оид кенг тарқалган ўқув қўлланмаларидан бири қора сиёҳ билан ипак қоғозга кўчирилгани бу фикрни тасдиқлайди. Бундан англашиладики, ўтмишда китобшунослик, қоғозгарлик нафақат касб-ҳунар, балки санъат ҳисобланган.

Қўқонлик усталар тайёрлаган шойи қоғоз қиммат турганлиги ва ҳаёт оғирликлари боис бу қоғозга талаб кам бўлган. Кўпинча бу қоғоз тури бой-бадавлат кишининг буюртмасига кўра тайёрланган. Олий навли қоғозлар хонлик ёзишмалари, фармони олийлар, ҳужжат ва мактублари учун ҳам қўлланилган.

Ёш мутахассислардан миниатюрачи-рассом Шомахмуд Муҳаммаджонов ва наққош рассом Маъруф

Салимовлар Қўқон абри қоғозини тайёрлаш усулини муайян даражада қайта тикладилар (тахминан 1980 йиллар). Қоғозни тайёрлашда эса тут дарахти пўстлоғи хом ашё бўлиб хизмат қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар битта қўлёзма китоб бадий санъат асари сифатида турли усталар – саҳҳоф (муқовасоз), мусаввир (безакчи рассом), жадвалкаш (асар матнларини турли чизиқлар ичида безатувчи уста), лавваҳ (матн асосини ҳошияларга чиқариб берувчи уста), қоғозрез (қоғоз кесиб тайёрловчи уста), аброз (абри қоғоз тайёрловчи уста)ларнинг ҳамкорликдаги ижодий ишлари натижасидир. Абрў сўзи форсча булут дегани бўлиб, баҳорги ёмғир суви маъносини билдиради. Мармар гулларига қиёсланувчи бу санъат намунаси бадий қиммати юксак асарлар, мактублар ва айрим миниатюраларнинг безатилишига хизмат қилган.

Абрининг дастлабки намуналари XVI асрга оиддир. ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида шундай безакли қоғоздан фойдаланилган қўлёзма асарлар мавжуд.

Умуман, Ўрта Осиёда жуда кўп қўлёзмаларни абри қоғози билан безатиш расм бўлган. Бу соҳада энг мохир усталарнинг сўнгиси таниқли шоир ва ҳаттот Мирза Хайрулло Хўқандий бўлган. 7 Унинг вафотидан сўнг (1942 й.) абри қоғозини тайёрлаш сирини биладиган бирорта уста қолмади. Бинобарин бу санъат ҳозирги кунда Туркия ва бошқа Шарқ мамлакатларида ҳамон сақланиб, эъзозланиб келмоқда.

Абри қоғозни тайёрлаш технологияси, ишлатиладиган хом ашёлар, фойдаланиладиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар тўғрисидаги умумий маълумотлар айрим илмий адабиётларда, жумладан, А.Ю.Казиевнинг асарларида учрайди.⁸ Кейинги вақтда Ўзбекистон Фанлар Академияси Қўлёзмалар институтининг илмий ходими Т.Зуфаров бу борада муайян ютуққа эришди. У 1983 йилда «Абри қоғози хусусида» мақоласида бундай қоғозни тайёрлаш усуллари оидинлаштириб берди.

Абри қоғозининг сочма абри, тарама абри, мармар абри, булбул абри, келкет (арчасимон) абри каби турлари бор.

Ҳашаки, ўрама, увада, жайдари каби қоғоз турлари паст навли қоғозлар бўлиб, улар буюмларни ўраш учун фойдаланилган. Таппи қоғоз эса картон вазифасини бажарган. Ҳаттот Рожий Хўқандийнинг тим қора қоғозга оқ упа билан кўчирган қитъалари бу фикрни тасдиқлайди. Қўкон қоғози фойдаланиш мақсадига кўра, турли усулларда ишлаб чиқарилган. Хусусан, девонхона учун олий навли, яхши навли, қуйи навли каби қоғоз турлари ишлаб чиқарилгани фикримиз далилидир.

XIX асрда насъталиқ хатида «Девони Лутфий» номли шеърлар тўплами, ҳаттот Мирза Шариф Дабир томонидан «Девони Фузулий» асари, ҳаттот мулла Саримсоқ Хўқандий томонидан «Чоҳар девони Мир Алишер Навоий» асари қалин Қўкон қоғози (икки варақ бир-бирига ёпиштирилган)га ёзилганлиги бу фикрни тасдиқлайди. Қўкон қоғозгарлари тайёрлаган қоғоз

хамири заргарликда, муковасозликда ҳам кенг фойдаланилганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Умуман XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Қўқонда маориф, фан, маданиятнинг ривож, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши қоғоз маҳсулотининг истеъмолини вужудга келтирди ва тармоқ гуркираб ривож топди.

Дарҳақиқат, бу даврда Қўқон адабий муҳити вужудга келиб, бу ерда яшаб ижод этган истеъдодли шоирлар Амирий, (Қўқон хони Умархон), Боқихонтўра, Гулханий, Ёрий, Хўқандий, Завқий, Зарий, Махжуб, Маҳмур, Муқимий, Мухтасиб, Мушри, Муҳаммад Юсуф Тоиб, Мухий, Мухсиний, Насимий, Низомий, Нодир, Нозил, Писандий, Рожий, Садоий, Фурқат, Шухратларнинг фаолияти фикримизни тасдиқлайди.

XX аср бошларида Қўқонда қоғоз хом ашёси муҳим рол ўйнайдиган муковасозлик, ҳаттотлик, мусаввирлик, бадиий қўлёзмалар тайёрлаш, тошбосма усулида китоб чоп этиш каби ҳунармандчилик ва санъат турлари анча ривожланган. Бу даврда Қўқонда ҳаттотлик санъати ҳам ривож топган эди. Гарчи хонликда тошбосма усули билан чоп этиш йўлга қўйилган бўлсада, ҳаттотлик яна анчагача ўз ўрнини сақлаб турди. Ҳаттотлар муаллиф асарини кўчиришдан аввал бўлажак китоб асосини, оқ қоғоздан китоб нусхасини тайёрлаб олишлари керак эди. Китоб яратиш жараёнида турли ҳунармандлар қатнашганлар.

Аввал уста керакли сифатли қоғозни бир хил ҳажм ва шаклда қирқар ва ҳаттотга берар эди. Ҳаттот бу

усулда варақларга керакли матнни биттадан ёки бир неча бўлакка бўлиб ёзарди, сўнгра китоб лаввоҳ (безакчи)ни қўлига тушар, матн нақшин устунлар орасига олинар эди. Китобни яратишга катта ҳисса қўшгувчи инсон ҳаттот эди. Шарқ каллиграфияси ёзувларни турли шакллари яратди. Қадимий куфий ёзувидан тортиб то насъталиқгача. Бу ёзувлар чегараланиб ишлатилгани учун ҳам Қўқон қўлёзмаларида ортиқча кўзга ташланмайди. Қўқон қитъалари ажойиб ёзув шакллари ва тўрт сатрли шеърларни ўз ичига олиб ёзилиши гўзаллиги билан ажралиб туради. Қўқонда кўплаб иқтидорли ҳаттотлар ўтган. Уларнинг кўпчилиги ҳам шоир, ҳам тарихчи, ҳам миниатюрachi эди. Улар ўзларининг асарлари билан ҳаттотлик касбини миллий санъат даражасига кўтарганлар.⁹

Қўқон қоғозига бўлган талаб маҳаллий аҳоли ўртасида, балки Россиянинг айрим жойларида катта бўлган. Айниқса, Қўқон қоғозига 1-жаҳон урушининг сўнгги йилларида алоҳида аҳамият берилган. Чунки бу даврда Россиядан келтириладиган фабрика қоғози тақчил бўлиб қолган. Ҳатто Туркистон ўлкасининг бош бошқармасида ҳам қоғоз етишмаётгани боис Қўқон қоғозидан фойдаланишга мажбур бўлган эди. Натижада Қўқон қоғозига ёзилган ҳужжатлар Петербург маҳкамаларига қадар етиб борган. Ваҳоланки, илгарилари бу дипломатик алоқаларда машҳур фабрикаларнинг олий нав қоғозларидан фойдаланиб келинардди. А.А.Семёновнинг таъкидлашича, Қўқон

қоғози кутилгандан ортиқ даражада машхур бўлиб, бошқарма машинкаларининг ёзуви унда жуда чиройли чиқарди. Тушга ўхшаш сиёҳлар билан қўлда ёзилганда эса пўлат перо билан осонгина имзо чекиш кифоя эди. Ўша вақтдан Петербург маҳкамаларининг тўралари Қўқон қоғози билан қизиқиб қолишди ва «Бу ажойиб қоғоздан мумкин бўлса, бизга юборсангиз», деган илтимосномалар кела бошлади.¹⁰

Қўқон қоғозининг ўлчами 58х50 см. бўлиб, 24 варағи бир «даста» ҳисобланган ва 20-30 тийинга сотилган. Бир даста қоғоз обжувозда 15 тийин турса, унга оҳор бериб силлиқланган. А.П.Федченкони таъкидлашича, Мўйи Муборақдаги бир уста бир кечакундузда 300 варақ қоғоз тайёрлай олган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон қоғозгарлик мактаби бутун Шарқда ўзининг юқори сифатли қоғозлари билан донг таратган Ўрта Осиё, Хуросон, Шарқий Туркистон, Чор Россияси маъмуриятини қоғоз билан таъминлаб турди.

VII. КЎНЧИЛИК ҲУНАРИ

Қадимдан Фарғона водийсида кўнчилик ҳунармандчилиқнинг ривожланган муҳим тури ҳисобланади. Мазкур тармоқ XIX аср охиригача келганда ҳам водийдаги ўтроқ ва яримўтроқ аҳоли ҳўжалигидаги ўзининг муҳим ўрнини сақлаб қолган эди. Жумладан, Фарғона водийсининг йирик шаҳар ва уездларидаги қишлоқларида бу даврда кўнчилик ҳунари ривож топганлигини кўрамиз. Масалан, 1876 йил Қўқонда 67 та кўнчилик устахонаси, 151 та этикдўзлик дўқони маҳсулот тайёрланган. Биргина этикдўзлик маҳсулотларнинг нархи 39.711 сўмга тенг бўлган. 1. 1885 йилга келиб Қўқон шаҳри уездидаги 7 та корхонада 34 та ҳунарманд, бутун вилоятда эса 85 та кўнчилик корхонасида 200 га яқин ҳунарманд фаолият юритган. 2 Ўтиборли томони бу ўринда водийдаги фақат йирик устахоналар-манифактура типидagi корхоналар назарда тутилади. Аммо кўпчилик устахоналари дўқон кўринишида бўлиб, улар статистик маълумотларга кирмаган.

Бу дўқонларда қорамол терисини ошлаб дастлабки хом ашё ва чарм маҳсулотлари тайёрлаганлар. Махсус усталар эса ундан ҳар хил буюмлар ясаганлар, териларни асосан шаҳар чеккасидаги ариқ бўйида жойлашган устахоналарда ишлаб чиқарганлар. Теридан пойабзал, бош кийим, от-эшак абзали, чарм қути ва халталар, сув меши, ғилоф тайёрланган. Тери пойабзал кенг тарқалган маҳсулотлардан бўлиб, тери қавуш,

этик, лакланган теридан амиркон маҳси турлари кўп кийилган. Кўндан тикилган чориқ деҳқонларнинг кундалик оёқ кийими ҳисобланган. Ошланган кўй терисидан пўстин тайёрланган ва тўқ сариқ рангга бўялган.

Терига ишлов бериш оддий усулларда амалга оширилган. Теридаги гўшт, ёғлар махсус асбоб билан тозаланган, фойдаланишига қараб алоҳида ошланган, ёғ суртилган ва тери ишлатишга тайёр бўлган. Чармгарлар эчки, кўй терисини ошлаб ишқорли сувга чайиб, дудлаб (қоқлаб) майин ва юмшоқ бахмалсимон чарм, эшак ва от терисини ишқор ва мис оксиди билан ишлов бериб тўқ яшил рангли чарм тайёрлаганлар.

Маҳаллий кўнчилик арзон фабрика маҳсулотлари кириб кела бошлаган даврларда ҳам ерли аҳоли маиший турмушдаги муҳим ўрнини сақлаб қолди. Чунки бу буюмлар арзон, пухта ишланган, энг асосийси маҳаллий шароит, аҳоли эҳтиёжи, дидини ҳисобга олиб, асрий анъаналарга таянилган ҳолда тайёрланишда давом этмоқда эди.

ХУЛОСА

Бугунги кунда ёшларни касб-хунарга тўғри йўналтириш, турли хунарларга кизиқишни ошириш, ёшларда касбларни эъзозлаш ва фахрланиш туйғуларини шакллантириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки келажаги буюк давлатимизнинг келгуси тақдири шу масала билан чамбарчас боғлиқдир. Буни ўз ўрнида тўғри ҳисобга олган ҳукуматимиз доимо хунаrmандчилиқни ривожлантириш ва ёшларни хунар ўрганишга йўналтириш ишига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда. Ҳусусан, юртбошимиз томонидан қабул қилинган «Халқ бадий хунаrmандчилиғи ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983 сонли, 2010 йилнинг 30 мартдаги «Халқ бадий хунаrmандчилиғи ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонларида Халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, айниқса ёшларни жалб этиш учун қулай шароитларни таъминлаш йўллари белгилаб берилган. Бу тадбирларнинг барчаси айниқса касб-хунар коллежларининг битирувчилари учун кенг имкониятлар яратилаётганлигидан дарак беради.

Бундай юксак натижаларга эришмоқ учун бизнингча барча ўқув юртларида «Касбим менинг, фахрим менинг», «Хунар, хунардан унар», «Хунарли одам хор бўлмас», «Ишлаганнинг умри беозор, ишламагандан эл безор», «Хунарни билган, кўп нарсани

билади» мавзуларида давра суҳбатлари, турли тадбирлар ўтказиб бориш ўқувчиларни касбга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади. Шу мақсадда сўнгги йилларда республика ҳудудидаги кўплаб касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар фаоллигини, касбни улуғлашга бағишланган тадбирлар ўтказиб борилмоқда. Бу ишлар ёшларнинг фаровон келажаги учун муҳимдир. Зеро, машҳур педагог А.С.Макаренконинг фикрлари билан айтганда, «Қўлидан кўп иш келадиган, нимагаки уринса, уддасидан чиқадиган, иши тез ўнгидан келадиган, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган, буюмларга эгалик ва хўжайинлик қила оладиган одамларнинг нақадар кувноқ ва бахтли яшашларини яхши биламиз».

Шундай қилиб, жамият учун фаолият кўрсатган, унинг бойлигига ўзининг шахсий ҳиссасини қўшган, ўз касбини доимо улуғлаган, ўзгаларни бахтли қилишга чорлаган Абдурахмон Жомий айтганидек, «Меҳнат туфайли қўлда пайдо бўлган қабарикдан роҳат топган одам бахтли кишидир».

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. I«Ўзбек энциклопедияси». Т. 1980 й, 14 ж, 470 б.
2. Х.Бобобеков. «Қўқон тарихи». Т. 1996 й, 101 б.
3. А.Колбинцев. «Фарғона водийси бўйлаб». Т. 1979 й, 13 бет.
4. I«Ўзбек энциклопедияси». Т. 1980 й, 14 ж, 471 б.
5. К.Ф.Касимбеков. «Из истории народных движений в Фергане в конце XIX начало XX вв». Т. 1978, 10 б.
6. П.Темирходжаев. «Союз рабочих и дехкан Туркестана в 1921-1924 гг». Т. 1969 г, 81 б.
7. Б.Иброҳимов. «Пахтакор истикболи», «Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи» X китоб, Т. 1981 й, 409 б.
8. Р. Набиев. «Қўқон хонлиги тарихидан» Т. 1973 й. 209 б.
9. Р. Набиев. «Қўқон хонлиги тарихидан» Т. 1973 й. 210 б.
10. Р. Набиев. «Қўқон хонлиги тарихидан» Т. 1973 й. 225 б.

II

1. С.Иброҳимов «Фарғона водийси хунармандчилигининг касб-хунар лексикаси». Т. 1953 й, 36-51 б.

2. Е. Головин. «Кустарные промыслы Туркестана». Т. 1909 й. 10 б
3. «Ўзбек энциклопедияси». Т. 1972 й. 2 ж, 301б.
4. Ўз.РМДА. Ф.и-19 оп. 1, д. 28450, 40 варак.
5. «Ўзбекистон тарихи». «ФАН», Т. 1974 й, 20 б.
6. «Ўзбек энциклопедияси». 1972 й, 2 ж. 313 б.

III

1. «Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана». М. 1975 й, 112 б.
2. «Фарғона ҳақиқати» 1994 й, 3 май.
3. Э.С.Коган. «Положение крестьянства и развитие местных промыслов в Средней Азии». М. 1955 й, 205
4. Х.Санакулов «Чуст». Т. 1991 й, 13 б.
5. С.Соатов. «Ўзбекистон тарихидан ўқув қўлланмаси». Т. 1973 й, 38 б.
6. «Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана». М. 1975 й, 112
7. «Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана в XIX-XX в.». Т. 1986 й, 28 б.
8. «Бобурнома» Т. 1989 й, 94 б.
9. И.Пардаева. «Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси» Т. 1994 й, 37 б.
10. «Туркестанские ведомости». 1901 й. № 33.

IV

1. «Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана». Т. 1986 й, 63 б.
2. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Т. 2000 й, 1ж, 390 б.
3. Х.Бобобеков. «Қўқон тарихи», 1996 й, 108 б. 4. 4.
4. А.Шарафутдинов. «XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсида хунармандчилик ишлаб чиқариш тарихидан». Т. 1993 й, 34 б.
5. Х.Бобобеков. «Қўқон тарихи» Т. 1996 й, 110 б.
6. «Ўзбек энциклопедияси», Т. 1976 й, 8 ж, 70б.
7. «Қўқон ўлкашунослиги музейи». Шк 2, п-5.
8. «Ўзбек энциклопедияси», Т. 1976 й, 1 ж, 39-40 б.

V

1. Ўзбекистон РМДА. Ф.И-19, оп-1, д 123, 52в.
2. ЎзРМДА. Ф.И-13, оп 1, д 4474, 2-3-4 варақлар.
3. И.И.Гейер. «Туркестан». Т. 1909 й, 118 б.
4. «Ўзбекистон тарихи» II китоб. Т. 1957 й, 21б.
5. В.Акрамов. «XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистонда хунармандчилик» «ЎИФ» 1973 й, №1. 58б.
6. П.М.Пономарев, М.А.Трубов, П.А.Шмаков. «Щелкообрабатывающая промышленность Узбекистана». Т. 1994 й, 12 б.
7. «Обзор Ферганской области за 1893 г». Маргелан 1895 г. 20-стр.
8. «Ўзбекистон тарихи» II том, 482 б.

9. Е.Головин. «Кустарные промыслы Туркестана», «Вестник выставки» Т. 1909 г.
10. Ежегодник Ферганской области. Новый Маргелан». Т. 1902 й, 188-189 б.
11. В.Наливкин, М.Наливкина. «Очерки быта женщин оседлого населения Ферганы». К. 1886, стр. 113.
12. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Т. 2000 й. 1 ж, 135 б.
13. В.К.Разводовский. «Опыт исследования гончарного и некоторых кустарных промыслов в Туркестанском крае». Т. 1916 й, 16 б.
14. ЎзРМДА. Ф-И-1, оп. 17, д.128, 100-101 бетлар
15. В.Акрамов. «XIX аср охири XX аср бошларида Ўзбекистонда хунармандчилик» «ЎИФ» 1973 й, №1. 58б.
16. ЎзРМДА. Ф. И-1, оп-12, д.1588, 25-26 бетлар
18. «Ўзбекистон тарихи» II китоб. Т. 1957 й, 21б.
17. В.К.Разводовский. «Опыт исследования гончарного и некоторых кустарных промыслов в Туркестанском крае». Т. 1916 й, 16 б.
18. В.Г.Мошкова. «Ковры Средней Азии в конце XIX и начало XX вв.» Т. 1970 й, 37 б.

VI

1. В.Потанин. «Показания сибирского казака Максимова, Кокандские владения». Спб. 1860, 22 стр.

2. Набижон Собир. «Қўқон қоғози» «Халқ сўзи», 1991 й, 11 май.
3. Н.Хабибуллаев. «Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи», Т. 1992 й, 14 б.
4. Н.Абдулахатов, Б.Ҳошимов. «Мўйи Муборак». Ф. 2000 й, 18 б.
5. Набижон Собир. Ўша жойда.
6. «Вестник истории мировой культуры» М. БСЭ, 1957.
7. Н.П.Лихачев. «Бумага и бумажные мельницы в Московском государстве» Спб. 1892.
8. А.Ю.Казиев. «Художественно-технические материалы средневековой рукописи» Баку. 1968 й. 34 б.
9. А.Муродов. «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан». Т. 1971 й, 122-123 б.
10. Ўша жойда. 138-139 б.

VII

1. Ўша жойда Ф-13, оп 1, д. 1170 415-416 varaқ.
2. Ўша жойда. Ф.И-19, оп.1, д.23626, 1 varaқ.

МУНДАРИЖА

Кириш

сўзи.....

I. Хунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёжнинг
ўсиши.....

II. Кулолчилик

хунармандчилиги.....

III. Темирчилик, мисгарлик ва заргарлик
хунаrlари..... IV. Ёғоч ўймакорлиги,
аравасозлик касби ва машҳур
наққошлар.....

V. Тўқимачиликнинг вужудга келиши ва
аҳамияти.....

VI. Қўғозгарлик хунарини шаклланиши ва
юксалиши.....

VII. Кўнчилик хунари ва унинг
боқийлиги.....

Хулоса.....

1. Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар..... Қўқон қоғози» «Халқ сўзи», 1991 й, 11 май.
2. Қўқон қоғози» «Халқ сўзи», 1991 й, 11 май.
3. Қўқон қоғози» «Халқ сўзи», 1991 й, 11 май.